

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Самарқанд давлат чет тиллар институти**

**«Тизимли лингвистика» фанидан
маърузалар матни**

**Мутахассислик: 5 А 220101 – лингвистика
(инглиз, немис, француз тиллари)**

Самарқанд– 2010 й

1-мавзу

Тил системаси ҳақида умумий маълумот

1§.Тил ва унинг тавсифи. Тил кишилик жамиятининг тарихий тараққиёти жараёнида ижтимоий онг махсули сифатида юзага келиб, моддий, маънавий ва маданий бойликларнинг ифодаси сифатида хизмат қилувчи мураккаб тизимдир. Тилнинг табиати, моҳияти, жамиятда тутган ўрни, ички механизми ва ишлаш принципларини илмий назарий жиҳатдан идрок этишга интилиш, уни таърифлашдаги турлича нуқтаи назарлар ифодасида яққол кўзга ташланади. Жумладан, 1) тил ижтимоий аҳамияти эътиборига кўра: кишилар ўртасидаги энг муҳим фикрий алоқа курули бўлиб, хабар етказиш, сақлаш ва қабул қилиш воситасидир; 2) ички қурулиш нуқтаи назаридан: тил турли унсурлар ва уларнинг ўзаро муносабатини таъминловчи қоидалар комбинациясидир; 3) доимий барқарорлиги, яшовчанлиги жиҳатидан: тил жамият аъзоларининг умумий фаолияти махсули бўлиб, нутқ товушларининг доимий муайян маъно доирасида бирлашуви асосида юзага чиқувчи ҳосилдир; 4) алоқа алмашув (коммуникация) назариясига кўра: тил маъно ташувчи кодлар мажмуидир; 5) семиотик нуқтаи назардан тил муайян моддийлик асосида рўёбга чиқувчи белгилар (знаклар) системасидир.

Тилнинг санаб ўтилган қирраларини ўзида умумлаштириб, уни яхлит бир бутунлик- система сифатида ўрганувчи тилшунослик асримизнинг 20 йилларида «систем-структур тилшунослик» номи билан майдонга келди. Швейцариялик олим Ферденанд де Соссюр (1857-1913) томонидан асосланган XX аср систем тилшунослиги ўз бағрида ўнлаб янги-янги лингвистик оқим ва мактабларни вужудга келтирди. Соссюрнинг вафотидан сўнг уч йил ўтгач, унинг таълимоти шогирдлари Шарль Балли ва Антуан Сешелар томонидан тўпланиб «Умумий тилшунослик курси» (Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. М.,1977.) номи билан нашр қилинди. Шу кунгача Соссюр таълимоти замирида шаклланган XX аср тилшунослиги «структур тилшунослик», «систем тилшунослик», «систем-структур тилшунослик» каби номлар билан юритилиб келинмоқда. Айни вақтда бу йўналиш ва оқимларнинг барчасида умумийлик мавжуд бўлиб, бу тил ва нутқнинг фарқланишида, тилга система сифатида ёндашувда кўзга ташланади. Ҳозирги пайтга келиб назарий тилшуносликнинг «анъанавий тилшунослик» ва «замонавий тилшунослик» атамалари асосида фарқланиши ҳам систем тилшуносликнинг шаклланиши ва тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас, тил ва нутқ бирликликларини ўзаро кескин фарқламай, асосан, нутқ бирликлари ва уларнинг ўзаро муносабати билан боғлиқ қонуниятлар масаласини ўз ичига қамраб олган анъанавий тилшуносликдан фарқли равишда тилни система сифатида баҳолаш унга берилган таърифда қуйидагича ўз ифодасини топади: Тил бевосита кузатишда берилмаган ижтимоий ҳодисадир. У жамият аъзоларининг онгида вертуал ҳолда мавжуд бўлиб, улар учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган ҳамда фикрни шакллантириш ва уни нутқ жараёни асосида актуаллаштириш (моддийлаштириш)га хизмат қиладиган унсурлар ва

бу унсурларни ўзаро бирикиши, боғланишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндисидан иборат мураккаб системадир.

2-§. Система ва унинг турлари. Система – бу муайян қоидалар асосида ўзаро узвий боғлиқ бўлган элементларнинг тартибли бутунлиги, яхлитлигидир. Мазкур таърифдан англашиладики, система тушунчаси замирида бутун ва бўлак муносабати ётади. Зотан, узвий муносабат бор жойда бутунлик, яхлитлик вужудга келади. Айни пайтда ҳар қандай бутунлик таркибий қисмлардан, яъни бўлаклардан ташкил топади. Таркибий қисмлар бутунликда тутган ўрни ва салмоғига кўра турлича бўлиши мумкин. Албатта, бўлакларнинг бутунлик доирасида жойлашуви ва ўзаро алоқаси яхлитликни таъминлаб турувчи қонун-қоидаларга асосланади. Бутун ва бўлак ўртасидаги тартибга солинган бундай мавҳум муносабат асосида система ва система элементлари ўртасидаги тартибли муносабатни тасаввур этиш мумкин.

Системани ташкил этувчи элементлар ўзининг табиатига кўра материал(моддий) ва идеал(идрокий) қиёфага эга бўлади. Шунга кўра системанинг икки тури фарқланади: 1) материал система; 2) идеал система.

Материал система бу- мазкур тизим доирасига кирадиган элементларнинг моддийлик белгисига асосланувчи муносабатидир. Демак, бу турдаги системанинг таркиб топишида ҳар бири ўзига хос хусусий белгига эгалиги билан фарқланувчи элементлар ўзининг моддийлик белгисига кўра узвийлик касб этади. Материал элементларнинг бундай муносабатини турли объектлар мисолида кузатиш мумкин. Жумладан, табиатдаги турли ўсимликлар ёки ҳайвонлар ўртасидаги табиий мувозанатнинг барқарорлиги бунга мисол бўлади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, материал система моддий элементларнинг салмоғига кўра ҳам фарқланиши мумкин. Хусусан, бир хил таркибли моддий элементларнинг муайян тартибдаги муносабати асосида *содда материал система*, турли таркибли моддий элементларнинг тартибли муносабати асосида эса *мураккаб материал система* юзага келади. Масалан, умумий бир вазифага эга бўлган ҳарбий бўлинмадаги тартибга солинган муносабатни *содда материал система* деб баҳоласак, турлича вазифа бажаришга мўлжалланган бироқ бир умумий мақсадга йўналтирилган ҳарбий бўлинмалар ўртасидаги муносабатни *мураккаб система* дейиш мумкин.

Демак, *содда материал система* таркибан бир турдаги материал элементларнинг узвий муносабатига асосланса, *мураккаб материал система* эса бир неча турдаги элементларнинг ўзаро узвий муносабатига асосланади. Бошқача айтганда, *мураккаб материал система*да тизим ичида кичик тизимчалар муносабати ётади. Бу каби *содда* ва *мураккаб материал система* турларини тил тизимининг яхлитлигини таъминлайдиган минимал (кичик) ва максимал (катта) бирликлар ва улар ўртасидаги узвий муносабатлар шажараси мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, тилнинг фонологик тизими ва мазкур тизимни ташкил этувчи фонемаларнинг унли ва ундошлар тизимига ажратилиши, ўз навбатида, унлилар тизимининг тил олди (и,э, а), тил орқа (у,ў,о) каби гуруҳланиши бунинг яққол мисоли бўла олади.

Материал ситема моддий элементларнинг ўзига хослигига кўра бирламчи ва иккиламчи каби турларга ажратилади. Бирламчи материал система борлиқда ўзига хос хусусий белгилари туфайли барқарорликка эга бўладиган моддий унсурлар муносабатига асосланади. Аини пайтда бирламчи материал система элементларининг сунъийлиги ва табиийлиги билан фарқланади.

Сунъий материал система моддий элементлари инсон томонидан яратилиб унинг ақл-идроки асосида қайта кўриб чиқилиши, мукаммаллаштирилиши, ўзгартирилиши мумкинлиги билан характерланади. Масалан, радио, аудио ва телевизион ускуналар ана шундай системалардандир.

Табиий материал система бирор мақсадни кўзлаб атайин яратилмай, табиат ва жамият тараққиёт қонуниятлари асосида вужудга келган материал элементларнинг муносабати мажмуидир. Инсон бундай системаларни турли тадқиқотлар асосида ўрганиши мумкин. Бироқ унга ўзгартириш киритиш, ундаги материал элементларни олиб ташлаш ёки алмаштириб қўйиш мумкин бўлмайди. Чунки табиий материал системага ноўрин аралашув ундаги табиий мувозанатни йўқолишига ва узвийлик қонуниятининг бузилишига олиб келади. Бундай система қаторига бизни ўраб турган коинот жисмларининг (ер ва бошқа фазовий элементлар билан) ўзаро муносабатини мисол тарзида келтириш мумкин.

Иккиламчи материал система бирламчи моддий система унсурларнинг идрок этилиши асосида вужудга келадиган тушунчанинг жамият аъзолари томонидан номланиши орқали вужудга келадиган тил унсурлардан таркиб топади. Шу боис иккиламчи материал система идел система билан узвиликда яшайди.

Идеал система. Инсон ақлий фаолиятига дахлдор бўлган тушунча ва ғоялар, билим ва кўникмалар каби бевосита кузатишда берилмаган тафаккур элементларининг маълум қонуниятлар асосида бирлашувидан таркиб топади. Хусусан, бирор бадий ёки илмий асар асосида ифодаланган ғоя, фикр ёки қонуниятлар мажмуи бунга мисол бўла олади. Идеал система унсурлари юқорида кўриб ўтилган материал система унсурларидан фарқли равишда фақат инсоннинг ақлий фаолияти асосидагина вужудга келади. Бироқ идеал система унсурлари моддий элементлардан ажралган ҳолда мавжуд бўлмай, улар моддий субстанция воситасида шаклланади. Яъни, ҳар қандай моддий элементнинг идрок этилиши идеал элементни вужудга келтиради ва бу элемент моддий субстанциянинг ажралмас қисмига айланади. Шу асосда материал системага дахлдор бўлган моддийлик идеал системага хос бўлган идрокий унсурларни «ташувчилари» ва «сақловчилари» сифатида фаолият кўрсатади. Масалан, дарахт тушунчаси, аввало, мазкур предмет ҳақида инсон онгида шаклланган идеал образ бўлиб, бу образ тилда д+а+р+а+х+т фонемаларининг субстанцианал бирлиги орқали иккиламчи моддийликка ўтади. Демак, табиатда учрайдиган бу ўсимлик ҳақидаги тушунчанинг авлоддан авлодга ўтиб сақланишида айнан *дарахт* лексемаси унинг ташувчиси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Материал ва идеал система элементлари ўртасидаги доимий субстанцианал узвийлик маълум бир тушунча ёки моддий элементни бошқасидан фарқлашда ҳам асос бўлади. Бунда материал элементларнинг шакли ёки кўриниши муҳим

бўлмай, инсон тафаккурининг маҳсули бўлган идеал образ замирида шаклланган семиотик белги (знак) таянч восита бўлади. Чунки материал система элементининг иккиламчи моддийлашган ҳосиласи сифатида вужудга келган семиотик беги, бирламчи материал элементнинг барча қирраларини идрокий асосда ўзида қамраб олиш ва у хусусида мукамал ахборот бериш хусусияти сингдирилганлиги билан характерланади. Масалан, $k+i+t+o+b$ товушлар бирлиги ўз-ўзидан ўқув қуроли маъносини ифода этиш хусусиятига эга бўла олмайди. Бу маъно, аввало, мазкур нарса ҳақидаги инсон тасаввуридаги тушунчанинг $k+i+t+o+b$ товушлари воситасида моддийлашган ифодасидир. Шу боис мазкур тушунча ўзбек миллати вакиллари томонидан айнан ана шу семиотик белги ёрдамида бошқа моддий элементлардан фарқланади.

Юқорида таъкидланганларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай моддий ва номоддийликни онг орқали идрок этиш жараёни идеал система элементини, яъни тушунчани вужудга келтиради. Идеал системани ҳаракатлантирувчи моддий ва номоддий (ҳиссий) элементлар бирлиги бирламчи материал системани ташкил этади. Тил бирликлари бўлган семиотик бегилар эса идеал система элементининг моддий ҳосиласи сифатида иккиламчи материал системага мансубдир. Шундай экан, тил бирликлари объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар хусусидаги инсон онгида шаклланган маълумотни ташиш, сақлаш каби хусусиятлар сингдирилган тизим эканлиги билан иккиламчи материал системага, яъни семиотик системага мансубдир.

Айни пайтда тил сунъий системадан фарқли равишда табиий системалар қаторидан ўрин олади. Бунинг моҳияти шундаки, тил системаси табиат ва жамиятда учрайдиган бирламчи моддийликлар асосида шаклланган тушунча ва унинг нутқий ифодаси бўлган семиотик белгилар орқали иккиламчи моддийлик касб этади. Бу белгилар табиатан даҳлсиз бўлиб, уларни тубдан ўзгартириш, бири ўрнига иккинчисини алмаштириб қўйиш ёки мутлақ янгилаш мумкин бўлмайди. Шу боис тил системаси ўзининг барқарорлиги, яшовчанлиги билан борлиқда мавжуд бўлган бошқа табиий системалар каби узлуксиз фаолият кўрсатади. Унда содир бўладиган ўзгаришлар эса бевосита жамият тараққиёти ва унинг ижтимоий-табиий эҳтиёжи туфайлигина юзага келиши мумкин. Шундай экан, тил тизими гарчи табиий системалар сирасидан ўрин олса ҳам, у жамият тараққиёти асосида вужудга келадиган талаб ва эҳтиёжларига мос равишда инсоннинг парваришига, турли тадқиқотлар асосида бойитиб, ривожлантириб боришига ҳамша эҳтиёж сезади. Бундай ғамхўрлик борлиқда мавжуд бўлган бошқа табиий система унсурларда ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб туради. Масалан, табиатда мавжуд бўлган турли ўсимликларнинг инсон эҳтиёжига мос равишда маданийлаштирилиши, парвариш қилиниши бунинг ёрқин намунасидир.

Айни ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, борлиқдаги реал моддийлик ҳақидаги тушунча ҳамда унинг ифодаси бўлган семиотик белги ўртасидаги муносабат шартли асосга эга бўлади. Масалан, кундалик турмушда учрайдиган тўрт бурчак сиртли ва тўртта таянч устида турадиган моддийлик ҳақидаги тушунча тилда мутлақо унга даҳли бўлмаган $s+t+o+l$ тарзида

ифодаланади. Агар ушбу моддийликни бирламчи деб олсак, у ҳақидаги тушунча ва унинг с+т+о+л тарзда тилда белгиланиши иккиламчи моддийлик ҳисобланади. Демак, бизни ўраб турган табиат ва жамиятда мавжуд бўлган турли тизимларга тегишли моддий ва номоддий элементлар ҳақидаги тушунча ҳамда унинг ифодаси бўлган тил белгиларининг вужудга келтириш фақат инсонларгагина хос бўлган илоҳий неъмат, яъни фикрлаш ва сўзлаш қобилияти билан боғлиқдир.

Тил тизимининг сунъий системага муносабати эса, инсон ақлий фаолияти воситасида вужудга келган тушунчаларнинг муайян семиотик белгилар орқали нутқий воқеланиши асосида кўзга ташланади. Хусусан, нутқ тил тизимидан фарқли равишда шахснинг индивидуал фаолияти маҳсули бўлиб, ҳар бир шахс нутқ тузиш жараёнида тил бирликларини эҳтиёжи ва имкониятига мос ҳолда танлаш эркинлигига эга бўлади. Бу эркинлик, айниқса, муайян нук жараёни воситасида шаклланган матндаги тил биликларини таҳрир қилиш ёки матнни тубдан янгилаш каби жараёнлар мисолида яққол кўзга ташланади. Шундай экан, нутқ инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули сифатида шаклланган бошқа сунъий материал системалар сингари тузатилиш, мукаммаллаштирилиш ва янгиланиш имкониятига эгаллиги билан характерланади.

Умумий хулосалар:

1. Система (юнонча сўз бўлиб, бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикдир) муайян қоидалар асосида ўзаро узвий боғлиқ бўлган элементларнинг тартибга солинган бутунлиги, яхлитлигидир.
2. Системани ташкил этувчи элементлар табиатига кўра 1) идеал (идрокий), 2) материал (моддий) каби турларга бўлади.
3. Идеал система - инсон ақлий фаолиятига дахлдор бўлган тушунча ва ғоялар, билим ва кўникмалар каби бевосита кузатишда берилмаган тафаккур элементларининг яхлитликдан иборат бўлади.
4. Материал система – бевосита кузатиш мумкин бўлган содда ва мураккаб моддий элементларнинг тартибли муносабати воситасида юзага келган яхлитликдир.
5. Материал ситема таркибан бирламчи ва иккиламчи, сунъий ва табиий тизимлардан ташкил топади. Бирламчи материал система элементлари жамият ва табиатдаги моддийликлардан таркиб топади. Иккиламчи материал система элементлари эса бирламчи моддийликларнинг онг воситасида идрок этилиши асосида вужудга келадиган тушунчанинг жамият аъзолари томонидан номланиши орқали вужудга келадиган тил унсурларни тақозо этади.
6. Тил бирликлари объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар хусусидаги инсон онгида шаклланган маълумотни ташиш, сақлаш каби хусусиятлар сингдирилган тизим эканлиги билан иккиламчи материал системага, яъни семиотик системага мансубдир.
7. Тил сунъий системадан фарқли равишда табиий системалар қаторидан ўрин олади. Чунки, белгилар табиатан дахлсиз бўлиб, уларни тубдан

ўзгартириш, бири ўрнига иккинчисини алмаштириб қўйиш ёки мутлак янгилаш мумкин бўлмайди.

8. Тилнинг сунъий системага муносабати, тил бирликларининг нутқий воқеланиши асосида кўзга ташланади. Зотан, нуқ воситасида шаклланган матндаги тил биликларини таҳрир қилиш ёки матнни тубдан янгилаш каби жараёнлар унинг сунъий системага муносабатини белгилайди.
9. Тил системага хос турли-туман белгиларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси семиотика деб юритилади.

2-мавзу

Тил элементлари ва уларнинг бошқа система элементларидан фарқи

1-§. Ҳар бир система ўзининг структур таркиби, ишлаш принцидан қатъий назар бир умумий мақсадга, яъни муайян вазифа бажаришга хосланганлиги, жараёнга киришуви, ҳаракатланиш хусусиятига эгаллиги билан характерланади. Системага хос бундай умумийликни борликдаги ҳар бир табиий ва сунъий тизимлар фаолияти мисолида кузатиш мумкин. Системалараро бу муштараклик мазкур терминнинг мазмун ва моҳиятидаги умумийлик мисолида ҳам кўзга ташланади. Зотан, система-юнонча сўз бўлиб, бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикдир.

Гарчи системалар қайд этилган каби умумийликларга эга бўлса-да, улар ҳаракатланиш, муайян жараёнга хосланиш жиҳатдан, айти пайтда, элементларнинг макон ва замондаги узвийлиги асосида фаолиятга киришуви нуқтаи назардан бир қатор хусусийликларга ҳам эгадир. Бундай хусусийликлар, айтиқса, тил системасида қуйидагича ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Маълумки, тил системасига хос фаолият асосини маълумот ташиш ва сақлаш ташкил қилади. Бу жараёнинг рўёбга чиқиши эса, ундаги элементларнинг узвий муносабати асосида хилма-хил мазмун ва моҳият ташувчи тизимларни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлади. Масалан, бирор шахс иккинчи бир шахсга маълумот етказишда ушбу маълумотни ифодалаш учун зарур бўлган элементларни танлаш ва уларни тилнинг умумсистемасидаги мавжуд қоидалар асосида бирлаштириш талаб этилади. Тилнинг умумсистемасидаги бошқа элементлар ва уларнинг узвийлигини таъминловчи қоидалар эса захира бирликлар сифатида ушбу жараёндан ташқарида ҳаракатсиз (статик) ҳолатда бўлади. Сўзловчи томонидан танланган тил бирликлари узвийлиги асосида тузулган микротизим ҳам мулоқот жараёни якунлангач, (агар у ёзув воситасида сақланмаса) ўзининг синтагматик функциясини йўқотади. Яъни синтагматик тизимни тузишда ҳаракатга келтирилган элементлар тил парадигмасидаги ўрнига қайтади ва динамик ҳолатдан статик ҳолатга ўтади. Бундан англашиладики, тил системасининг фаолияти, бошқа системалардан фарқли равишда тизимдаги барча элементларнинг бир йўла ҳаракати билан эмас, балки ундаги бир қисм элементларнинг фаоллашуви билан боғлиқ бўлади. Демак, маълум бир шахснинг майян тилни билиши - бу унинг у ёки бу тил системасидаги статик элементларни тўла идрок эта олиши ҳамда эҳтёжга яраша нутқ аъзоларининг

ҳаракати воситасида динамик ҳолатга ўтказиши орқали маълум бир мантиқий тугаллик ифодалаш қобилиятини белгилайди. Бу жараён давомида фонема, морфема, лексема каби тил бирликлари кетма-кетлик асосида қандай тез тизим доирасида бирлаша олса, унинг система таркибидан чиқиб, статик ҳолатига қайтиши ҳам шундай тезлик билан содир бўлади. Айни пайтда мазкур кетма-кетликка асосланувчи жараёни юзага келтирувчи механизмнинг ҳар қандай макон ва замонда бетўхтов фаолият кўрсата олиши, инсон нутқий фаолиятининг доимий, барқарор бўлишини таъминлайди. Шундай экан, тил ундаги элементларнинг ўзаро узвий муносабатга асосланганишига кўра барча системалар билан муштарак бўлса ҳам, элементларнинг ишлаш принципи ва ўзига хос қонуниятларга эгаллиги билан тубдан фарқланади. Тил системасига дахлдор бу каби ўзига хосликни ундаги структура, субстанция ва элементнинг ўзаро муносабати мисолида ҳам кузатиш мумкин.

2-§. Юқорида эслаб ўтилганидек, тил системаси муайян қонуниятлар асосида ўзаро узвийликка эга бўлган элементларнинг тартибга солинган бутунлиги, яхлитлигидир. Системани ташкил этувчи элементлараро тартибга солинган муносабат, боғланиш, узвийлик мажмўи эса структура деб юритилади.(1.С.10) Демак, структура тил унсурларининг боғланиши, ўзаро алоқадорлиги ва муносабатларининг макон ва замондаги яхлитлигини таъминлаган ҳолда системанинг яшаш формаси сифатида намоён бўлади. Шу хусусиятига кўра структура тил системасини тақозо этувчи бошқа бирликлардан, хусусан элемент ва субстанция кабилардан фарқланиш билан бир қаторда, улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яшовчи нисбий мустақил бутунликдир. Чунки структура тил элементи ва субстанциясидан айри ҳолда мавжуд бўлмайди. Бунинг яққол далилини материал ва идеал система элементлари муносабати мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, ҳар қандай материал ва идеал система элементларининг ички муносабати, боғланиши муайян структура доирасида вужудга келади. Хусусан, Ф. Соссюр табири билан айтганда сув материал система сифатида тасаввур этиладиган бўлса, у ҳолда уни ташкил этувчи вадарод ва қисларод ўртасидаги узвий боғланиш, алоқа мазкур система элементларининг сруктураси ёки структур муносабати ҳисобланади.(2.С.-135.) Ёки к+и+т+о+б фонемаларининг бирлиги ва мазкур предмет ҳақидаги идрокий тушунча ўртасидаги структур боғланиш асосида ўқув қуроли маъно (семема)сини ташувчи лексема шаклланади.

Структурага хос муҳим белгилардан яна бири шундаки, у ҳар қандай (кичик ёки катта) система таркибидаги элементларнинг ички боғланиши, тартибли муносабатини таъминловчи қонуниятлар бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу боис структура баъзан элементлараро узвий алоқа барқарорлигини шакллантирадиган форма тарзда ҳам талқин этилади.(3.С.-39.) Дарҳақиқат, семиотик белгилар инсон онгида муайян нарса, белги, ҳаракат каби моддий унсурларларни идрок этилиши асосида вужудга келувчи ижтимоий-руҳий жараён мҳсули бўлган идеал элемент асосида шаклланади. Шундай экан, тил белгилари (знак) таркибан материал ва идеал элементларнинг структур боғланиш орқали муайян бутунликка, яъни шакл ва мазмун бутунлигига эга бўлади.

Система таркибидаги тил унсурларининг структур муносабати биргина материал ва идеал элементларнинг узвийлигигагина асосланмай, улар бевосита тил элементларига дахлдор бўлган парадигматик муносабат асосида ҳам намоён бўлади. Масалан, сўз туркумлари парадигмасини ташкил этувчи лексемаларнинг у ёки бу туркумга хос ички структурага эга бўлиши, уларнинг бир умумий парадигматик узвийликка эга бўлишини таъминлайди.

Тил системасига хос структур муносабат бир турдаги элементларнинг боғланиши асосида вужудга келадиган бутунликлар таркибида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, фонемаларнинг структур муносабати асосида морфемалар вужудга келади. Айнан ана шунга кўра субстанция ҳамда унинг таркибий қисми бўлган элемент ўзаро фарқланади. Шундай экан, нутқда моддий (материал) элемент фонемаларнинг артикуляцион-акустик белгиси орқали намоён бўлса, унинг маъно томони идеал элемент воситасида шаклланади. Элемент эса муайян субстанциянинг ташкил этувчиси сифатида унинг ички структурасига дахлдор бўлган бирликдир.

Тил элементи ва субстанция ўртасидаги муносабат шунда ҳам кўринадики, ҳар қандай бир хил типли (масалан, биргина материал) элементларнинг субстанцианал узвийлиги семиотик белги қийматига эга бўла олмайди. Масалан, б+о+ғ фонетик элементларнинг артикуляцион-акустик моддийлиги семиотик белгини ташкил эта олмайди. Мазкур моддийлик, яъни фонемалар бирлиги ижтимоий шартланган идеал элемент, яъни тушунча билан структуравий боғланишга эга бўлсагина моҳият касб этади. Бошқача қилиб айтганда, борлиқдаги нарса + у ҳақидаги тушунча + тушунчанинг товуш ёки товушлар комплекси билан белгиланиши = мазмун ташувчи тил белгисига тенг бўлади. Структура эса бу жараёнда бутунлик таркибидаги элементларни ижтимоий шартланган, яъни муайян жамиятнинг барча аъзолари учун умумий, айти пайтда мажбурий меъёр асосида бирлашувини таъминловчи васита вазифасини ўтайди. Ана шундай шартланганлик ҳар қандай субстанцияни тилнинг семиотик белгиси сифатида фаолият кўрсатувчи алоҳида микросистемасига айланиши учун асос бўлади. Ифодаловчи ва ифодаланувчи ўртасидаги бундай боғланишни Ф. Де Соссюр қоғознинг икки томонига қиёслаган ҳолда изоҳлаган эди. (4.С.-145)

Юқорида таъкидланганлардан англашиладики, моддий ва маъновий бирликларнинг тил элементи бўлиши учун улар ўртасида қатъий узвийликка, бир-бирини тақозо этишга асосланган структура бўлиши шарт. Айти пайтда система элементлари ўртасидаги қатъий узвийликка асосланган субстанцианал боғланиш асосида структура вужудга келади. Бундай бир-бирини тақозо этувчи узвийлик системанинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим омил вазифасини ўтайди. Чунки тилнинг моддий ва маъновий бутунлиги ундаги иштирокчиларнинг бетакрор тизимли муносабатига асосланади. Хусусан, ҳар қандай тилдаги фонетик элементлар бирлиги асосида шаклланган белги (знак) ўзига хос ифада ва мазмун бутунлигига эгаллиги билан бошқа шу каби белгилардан мутлақо фарқланади. Бунинг боиси шундаки, тил системасига хос элементлар, шунингдек, уларнинг субстанцианал бирлиги ва структура ўртасидаги узвий муносабат доимий барқарор, яъни қотиб қолган ҳолатда

бўлмай, уларнинг ҳар бири ўзига хос нисбий мустақилликка эга бўлади. Бундай нисбий мустақиллик, аввало ҳам моҳиятига кўра, ҳам ташкий моддийлигига кўра ноўхшаш элементларининг турли структура доирасида бирлаша олиши асосида намоён бўлади. Масалан, маълум бир гуруҳ фонемалар бирлиги турли семантик ва фонетик структурага эга бўлган лексемаларни ташкил эта олади: o+l+m+a, o+l+a+m, m+o+l+a.

Келтирилган мисолдан кўринадики, гарчи лексемаларни таркиб топишида иштирок этган фонетик элементлар бир хил бўлса ҳам, улар структур боғланиши жиҳатдан ва мазмунига кўра муваққат симётик системага мансублиги билан ажралиб туради. Элементларнинг структуравий боғланишига хос бўлган бундай хусусиятни микроэлемент + макроэлемент тарзидаги деривацион жараёнга дахлдор борча поғанали муносабатлар мисолида кузатиш мумкин.

Тилшуносликда элемент тушунчаси субстанциянинг ички таркибини ташкил этса ҳам, бу икки истилоҳ хусусий моҳиятига кўра маънодош терминлар сифатида қўлланилаверади. Бунинг боиси шундаки, тил системасидаги ҳар бир сатҳ ўзига хос элементлар асосида шаклланади. Масалан, фонетика учун фонема, морфемика учун морфема, лексика учун лексема элементдир. Бироқ морфема ва лексемалар тақибан фонологик элементларнинг ички структур бутунликка бирлашуви асосида шаклланганлиги нуқтаи назардан субстанция ҳисобланади.

3-§. Система элементларнинг ташкил этувчанлик, хосланувчанлик ва бетарафлик хусусиятлари. Тил тизимининг мураккаблиги, аввало, умумсистема таркибида амал қилувчи ички микросистемаларнинг ўзаро узвий муносабатига асосланиши орқали кўзга ташланади. Ушбу мураккаб бутунлик ва унингнинг таркибий тизимлари ўртасидаги муносабатни идрок этиш, кўп жиҳатдан ундаги элементлар ўртасидаги узвийликни таъминловчи умумий ва хусусий белгиларни англаш билан ҳам боғлиқдир. Бу белгилар, аввало, элементларнинг система ташкил этувчилиқ, системага хосланувчилиқ ва бетарафлик каби хусусий сифатлари орқали намоён бўлади. Бу белгилар элемент таркибидаги қуйидаги моҳиятани тақозо этади:

1. Маълумки, тил элементларининг элемент мақомига эга бўлиши, уларнинг муайян тизим доирасида узвий муносабатга кириша олиш хусусияти билан белгиланади. Ана шу хусусиятига кўра тилдаги ҳар қандай элемент система ясовчи, уни ташкил этувчилиқ белгисига эга бўлади. Масалан, тилнинг семантик моҳиятини ташувчи лесема деб номланувчи моддийлик умумсистема доирасидаги тугал микротизим сифатида баҳоланадиган бўлса, у ҳолда унинг моддийлигини акс эттирувчи унли ва ундош фонемалар бирлиги ана шу микротизимнинг ташкил этувчилари ҳисобланади. Демак, тил элементларига хос бу хусусият уларнинг маълум бир структур узвийлик асосида янги бир бутунлик (тизим) юзага келтира олиш белгисидан келиб чиқади. Элементнинг бу белгиси унинг дискретлиги (ажралувчанлиги) ва ноўхшашлиги каби умумий хусусиятлар билан бевосита боғлиқ бўлади. Чунки элемент айнан ана шу белгилари туфайли муайян системагагина қарам бўлмайди, балки турли систем-структур талабларга мос равишда ташкил этувчанлик белгисини намоён

этаверади. Масалан, фонемаларнинг ташкил этувчанлиги асосида морфемалар, морфемаларнинг ташкил этувчилик хусусиятига кўра лексемалар, лексемаларнинг ташкил этувчанлиги туфайли эса маъно ва моҳияти жиҳатдан бетакрор матнлар шаклланади.

2.Элементларнинг системага хосланиш белгиси ҳар бир элементнинг система ташкил этувчанлик хусусияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шунинг учун ҳам бу белги ҳар бир элементнинг муайян структур узвиликка дахлдор хусусий белгиси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, элементлар фақат муайян системага бирлашгандагина хосланувчанлик белгисига эга бўлади ва мазкур системага хос хусусият касб этади. Масалан, $k+i+t+o+b$ унли ва ундош фонемаларнинг ташкил этувчилиги асосида хосланиши мазкур лексеманинг бошқа лексемалардан фарқланувчи тил белгисини ташкил этишини таъминлайди. Бундан англашиладики, элементларнинг хосланганлик белгиси унинг ташкил этувчилик белгисидан фарқли равишда фақат муайян микро ёки макросистемадаги структурагагина дахлдордир.


3. Элементларнинг системага бетарафлик белгиси унинг система ташкил этишда аҳамиятсиз, яъни иккиламчи аҳамиятга эга бўлган белгилар билан боғлиқдир. Хусусан, $k+i+t+o+b$ лексемасини ташкил этишда иштирок этган фонематик элементларнинг таснифий ва оппозицион белгилари мазкур микротизимни юзга келишга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга, яъни системага бетараф белгилардир. Чунки фонемаларнинг таснифий белгилари мазкур элементлар ўртасидаги ички оппозицияларини аниқлашдагина аҳамиятли ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган белгилар тил элементларининг бошқа барча турларига ҳам хос бўлиб, уларни морфемалар, синтагматик моделлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, *Талабалар вазифани яхши бажаришди* матнини муваққат микросистема деб олсак, у ҳолда унда иштирок этувчи *талаба+вазифа+яхши+бажармоқ* каби фонематик моддийлик ва маъно бирлигидан иборат бўлган лексемалар ушбу микротизимни ташкил этувчи элементларидир. Мазкур элементларнинг системага хосланиши эса, уларнинг матн моҳиятига мос равишда маъно ва грамматик жиҳатдан боғланган ҳолда эга+тўлдирувчи+ҳол+кесим вазифаларида келиши орқали кўзга ташланади. Ушбу лексик элементларнинг семантик структурасига хос бўлган мавҳумлик, аниқлик, атоқлилик, турдошлик, ҳаракат ёки ҳолат ифодаланиши, шунингдек, лексемаларнинг фонетик структурасига хос моддийлик каби белгилар эса мазкур микросистемани тузишда иккиламчи аҳамиятга эга бўлган бетараф белгилардир. Бироқ шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, элементларнинг системага бетарафлик хусусияти ҳар бир тилнинг ички структур қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда аниқланади.


Қайд этилганлардан маълум бўладики, тил системасига дахлдор бўлган ҳар қандай элемент ўзининг ташкил этувчанлик, хосланиувчанлик ва бетарафлик каби белгиларга эга бўлган ҳолда муайян тизим таркибида фаолият кўрсатади. Булардан ташқари, тилнинг барча элементлари учун умумий бўлган белги ҳам борки, бу уларнинг ноўхшашлиги, таъбир жоиз бўлса, бетакрорлиги ва ажралувчанлиги асосида кўзга ташланади.

5-§. Система элементларнинг ноўхшашлик ва ажралувчанлик хусусиятларига кўра тавсифи. Тил системасининг умумназарий асосларини тадқиқ этишга доир кўпчилик ишларда таъкидланганидек, тилнинг микроэлементлари ҳар доим ўзидан юқори турувчи бирликларни таркиб топтиришда иштирок этади. Система элементларининг бундай муносабати иерархик муносабат дейилади. Иерархик муносабатнинг юзага келишидаги муҳим омил эса уни шакллантирувчи элементларнинг ноўхшашлиги, яъни бетакрорлиги ҳисобланади. Айни пайтда элементларнинг иерархик муносабати туфайли тил системаси ўзининг ноўхшашлик белгисини намоён этган ҳолда, чексиз маълумот ташиш ва ривожланиш имкониятларига эга бўлади. Шу боис элементларга хос бу белги улардаги фундаментал хусусият сифатида баҳоланади. Зеро, юқорида кўриб ўтилганидек, элементларнинг муайян системани ташкил этувчанлик хусусияти ифодаловчи ва ифодаланувчининг ноўхшашлигига асосланади. Элементларнинг ноўхшашлиги тил системасининг биргина парадигматик структурасига хос бўлмай, у тил элементларининг синтагматик муносабати жараёнида ҳам таянч белги ҳисобланади. Шундай экан, Ф. Де Соссюонинг тил фақат фарқлардан иборат дейиши ҳам бежиз эмас. Бунинг асил маъноси тил элементлари ўзаро тақозо этувчанлик билан бир қаторда ноўхшашликка ҳам эга демакдир.

Бундан ташқари тил элементлари дискрет, яъни ажралувчанлик белгиси билан ҳам характерланади ва бу белги ўз моҳияти жиҳатдан элементлардаги ноўхшашлик белгиси билан бир хил аҳамият касб этади. Зотан, дискретлик ҳам парадигматик, ҳам синтагматик муносабат жараёнида элементларининг хилма-хил комбинацион бутунлик ташкил эта олиш имкониятлари ҳисобланса, ноўхшашлик эса элементларга хос ушбу имкониятларни турли парадигматик ёки синтагматик қаторлар тузиш орқали рўёбга чиқишни таъминловчи асос сифатида муҳимдир. Шу боис бу икки белги элементлар таркибида ўзаро бири-бирини тақозо этиш асосида узвийликка эга бўлади. Тил элементларига хос бу икки белгининг узвийлик моҳиятини янада аниқроқ англаш мақсадида, элементларга хос биргина белгини, яъни ажралувчанлик белгисини ишоралар ёрдамида ифодалаб кўрамыз:



Келтирилган ишоралардан кўринадик, бир хил шаклга эга бўлган ажралувчан ишораларни парадигматик ёки синтагматик муносабат асосда гуруҳлаштирсак, у ҳолда гуруҳ элементлари ўртасидаги муносабат заифлиги ва элементларнинг ўзаро мутлақ фарқланмаслиги кўзга ташланади. Агар ушбу жадвалга элементларга хос ноўхшашлик белгисини ҳам киритсак, у ҳолда ундаги ишоралар ҳам парадигматик, ҳам синтагматик жиҳатдан элементлар ўртасида ўзига хос моҳият ва муносабат шаклланишини кўриш мумкин бўлади:





Демак, тил элементларининг ноўхшашлик хусусияти уларни ташкил этувчи моддий ёки маъновий бутунлик ҳосиласи бўлган барча тил бирликларига хос хилма-хилликка асосланади. Айни пайтда бу белги дискретлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади.

Шу нарса ҳам характерлики, ноўхшашлик белгиси барча тил элементлари учун умумий хусусият бўлса-да, бу белги тилнинг турли сатҳларида турлича намоён бўлади. Чунки ҳар бир сатҳ ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб турувчи элементлар мажмуидан ташкил топади. Масалан, фонема ўзининг барча ноўхшаш белгилари билан сўзловчининг хотирасида идеал акустик образ сифатида яшайди. Шу боис фонологик элементлар ўртасидаги ноўхшашликни уларнинг артикуляцион-акустик образларига хос моддийлик асосидагина кузатиш мумкин. Хусусан, фонемаларнинг унли ва ундош, тил олди ва тил орқа, лабланган ва лабланмаган сингари хилма-хил таснифий белгилари ана шу артикуляцион-акустик образ моддийлигидаги ноўхшашликлардир.

Фонемалардан фарқли равишда ноўхшашлик морфемаларда икки асосга эга бўлиб, улар морфемаларнинг ташқи, яъни моддий ноўхшашлиги ва ички, яъни маъновий ноўхшашлигига асосланади. Зотан, морфемаларнинг ноўхшаш фонемалар субстанцияси асосида шаклланиши, ўз навбатида, морфемаларнинг ҳам моддий ноўхшаш бўлишини таъминлайди. Айни пайтда фонемаларга хос дискретлик морфемаларнинг моддий структурасидаги номуштаракликни чекланмаган миқдорда такрорланиб туриши учун муҳим омил бўлади.

Бироқ морфемалар структурасида моддий ноўхшашлик иккиламчи аҳамиятга эгадир. Чунки тилдаги фонемаларнинг турли комбинацияси воситасида ҳосил бўлувчи ҳар қандай моддийлик, аввало, маъно ташиш ва сақлаш хусусиятига эга бўлгандагина қиймат касб этади. Шу боис морфемалар ўзаро функция, яъни ички моҳият асосида фарқланади ва улар шу асосда маълум бир системага бирлашади. Масалан, морфемаларни ўзак, сўз ясовчи, шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи каби гуруҳларга ажратишда уларнинг ташқи белгиларига кўра эмас, ички функциясига кўра тафаввутлаш талаб этилади. Демак, бу ўринда морфемаларнинг ташқи (моддий) томони системага нисбатан бетарафдир.

Морфемаларнинг моддийлиги, асосан, уларнинг шаклдошлигида ўзига хос тизим сифатида маълум бир қиймат касб этиши мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, морфемалар шаклдошлигида ҳам маъновий ноўхшашлик асосий дифференциал белги ҳисобланади. Масалан, от (хайвон тури), от (исм, ном), от (отмоқ ҳаракати) кабилар моддий томондан умумий бир системага, яъни омонимлик системасига бирлашса ҳам, улардаги мазмун-моҳиятига кўра ноўхшашлик мазкур семиотик рамзларнинг асосий фарқловчи белгиси ҳисобланади.

Шундай қилиб дискретлик - ноўхшаш элементларнинг хилма-хил системалар доирасида қайта боғлана олиш имконияти бўлса, ноўхшашлик - элементларининг дискретлик имконияти асосида бетакрор тизималар ҳосил қила олиш хусусиятидир. Ўз навбатида, ирархик муносабат элементларга хос ноўхшашлик белгисининг рўёбга чиқарувчи асос сифатида муҳим аҳамиятга



эга бўлади. Хусусан, фонема морфема лексема каби элементларнинг синтагматик қатор бўйлаб иерархик боғланиши айнан ноўхшаш микроэлементнинг бетакрор янги элемент сифатида шаклланишини таъминлайди. Масалан, бу муносабатни реал ҳолатда қуйидагича ифодалаш мумкин: к-т-о-б-л-а-р-д-а-н → китоб+лар+дан → китоблардан.

Ноўхшашлик система элементлари ўртасидаги синтагматик муносабатлар билангина чегараланмай, тил бирликларининг парадигматик муносабатида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ҳар бир тилда фонемалар бирлиги ўзига хос сатҳни ташкил этади. Мазкур сатҳ, ўз навбатида, унли ва ундош фонемаларнинг бирлиги асосида юзага келади. Демак, фонологик система унли ва ундош фонемаларнинг сатҳий бутунлигига, яъни парадигматик боғланишга асосланади. Шубҳасиз, бундай системанинг вужудга келишида фонемаларнинг ноўхшашлиги билан бир қаторда, микроэлементларнинг муайян бутунлик ташкил этиши, яъни иерархик муносабати ҳам муҳим қийматга эга бўлади.

Шу нарса ҳам муҳимки, парадигматик қаторда жойлашган элементлараро ноўхшашлик, бир сатҳга бирлашувчи элементлар ўртасида намоён бўлса, синтагматик қаторда эса элементлараро ноўхшашлик элементларнинг сатҳлараро муносабатига асосланган ҳолда рўёбга чиқади. Шу боис синтагматика тил элементларга хос барча белгиларининг рўёбга чиқишида асосий қолип, андоза саналади.

Умумий хулосалар

1. Тил системаси элементларнинг ўзаро узвий муносабатга асосланганишига кўра табиат ва жамиятда мавжуд бўлган бошқа системалар билан муштарак бўлса ҳам, унинг фаолият асосини маълумот ташиш ва сақлаш ташкил қилади. Айни пайтда, тил системаси бошқа системалардан фркли равишда ундаги барча элементларнинг бир йўла ҳаракатланишга асосланмаслиги билан ҳам фарқланади. Чунки мулоқот жараёнида сўзловчи томонидан синтагматик тизимни тузишда иштирок этган элементлар мулоқот якунлангач, тил парадигмасидаги ўрнига қайтади ва динамик ҳолатдан статик ҳолатга ўтади.

2. Элемент (унсур) тил системасининг барқарорлигини таъминловчи энг асосий мехонизмдир. Зотан, тил системаси фонема, морфема, лексема ва синтаксема (синтактик моделлар) каби элементларнинг узвий муносабатидан таркиб топади. Бундан англашиладики, тил элементлари ўзининг ҳажми, мазмун-моҳияти ҳамда ҳар бир тил сатҳида тутган ўрнига кўра фркланади. Бу каби фарқлар тилда кичик элементларнинг ўзаро ташкил этувчанлик хусусияти туфайли ўзидан каттароқ элементга бирлаша олиш хусусияти асосида келиб чиқади. Хусусан тилнинг фонологик сатҳига хос фонемалар бирлиги асосида, морфемалар, морфемалар бирлиги асосида лексемалар шаклланади.

3. Тил элементлари(фонема, морфема, лексема ва синтаксема (синтактик моделлар) ўртасидаги тафоввутлар, биринчидан, уларнинг ташқий моддийлиги (масалан, а фонемаси билан о фонемасининг артикуляцион-акустик моддийлиги асосида, -га морфемаси –да морфемасидан уларни

ташкил этувчи фонемаларнинг позицияси ва артикуляцион-акустик хусусияти) асосида вужудга келувчи фарқлардан, иккинчидан эса, ички мазмун, яъни идрокийлик асосида вужудга келувчи фарқлардан иборат бўлади. Бу икки меъзон тил системасига хос элементларнинг икки катта гуруҳга ажралишида ҳам муҳим ўрин тутати. Жумладан, фонемалар тилнинг фақат моддийликка эга бўлган бирлиги сифатида ўзига хос алоҳида гуруҳни ташкил этса, морфема, лексема ва синтаксемалар ҳам моддий (материал), ҳам маъновий (идеал) бирликларни ўзида мужассамлантирувчи элементлар сифатида алоҳида гуруҳга бирлашади.

4. Тил системасига хос элементлар структур боғланишда яшайди. Структура тил унсурларининг боғланиши, алоқадорлигини, яхлитлигини таъминловчи омилдир. Структура тил системасидаги моддий ва маъновий элементларнинг ички боғланиши, тартибли муносабатини таъминловчи тил қоидалари (меъёр) билан доимий алоқадорликда яшайди.

5. Субстанция тил системасининг энг кичик элементи бўлган фонемаларнинг муайян қоида асосида структур боғланиши асосида морфема, лексема тарзида намоён бўлувчи моддийлигидир. Шу боис тилшуносликда субстанция тушунчаси тил бирликларининг моддий томони хусусида гап борганда алоҳида қимматга эга бўлади. Бошқа ҳолларда, хусусан, маъно ва моддийликнинг узвийлигидан ташкил топган тил бирлиги назарда тутилганда элемент (тил бирлиги, унсур) терминидан кенг фойдаланилади.

6. Тилдаги ҳар қандай элемент система ташкил этувчилик белгисига эга бўлади. Элементнинг бу белгиси унинг дискретлиги (ажралувчанлиги) ва ноўхшашлиги каби умумий хусусиятлар билан бевосита боғлиқ бўлади. Чунки элемент айнан ана шу белгилари туфайли тилдаги маълум бир микросистемагагина қарам бўлиб қолмайди, балки турли системалар талабларга мос равишда ташкил этувчанлик белгисини намоён этаверади.

7. Элементларнинг системага хосланиши ҳар бир элементнинг система ташкил этувчанлик хусусияти билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Хосланувчанлик белгиси элементларнинг аниқ бир микросистемага бирлашгандагина намоён бўлади. Масалан, $k+i+t+o+b$ фонемаларнинг ташкил этувчилиги асосида *китоб* микросистемасига хосланиши асосида вужудга келган лексема, унинг бошқа лексемалардан фарқланиувчи белгига эга бўлишини таъминлайди.

8. Элементларнинг системага хосланиши тилдаги бирликларнинг ноўхшашлик ва ажралувчанлик белгиси билан узвий алоқадордир. Масалан, фонологик сатҳдаги микдоран чекланган фонемаларнинг турли структуралардаги комбинациялари туфайли хилма-хил морфема ва лексемаларни вужудга келтиришда тил унсурларининг ноўхшашлик ва ажралувчанлик белгиси яққол намоён бўлади.

9. Элементларнинг системага бетараф белгиси унинг система ташкил этишда иккиламчи аҳамиятга эга бўлган белгилари билан боғлиқдир. Хусусан, $k+i+t+o+b$ лексемасини ташкил этишда иштирок этган фонематик элементларнинг таснифий ва оппозицион белгилари мазкур

микротизимни юзга келишга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга, яъни системага бетараф белгилардир. Бундай белги фонемаларнинг таснифи ва улар ўртасидаги ички оппозицияларини аниқлашдагина аҳамиятли ҳисобланади.

3-мавзу

Тил ва нутқ дихатомияси

1-§. Тилшунослик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаб ёндашиш дастлаб 8-9-асрларда шаклланган араб тилшунослигида, кейинчалик эса В.Гумбольд, А.Штейнгал, Бодуен де Куртене сингари Ғарб тилшунослиги вакиллариининг назарий қарашларида ўз аксини топган эди. Бироқ тил ва нутқ ҳодисалари ҳамда уларга хос бирликларни чуқур илмий-назари жиҳатдан асослаб, бу икки системанинг муштарак ва фарқланувчи жиҳатларини атрофлича ёритиш бевосита Ф. Де Соссюр номи билан боғлиқдир. Ғарчи ҳозирга қадар Соссюр таълимоти заминиди систем тилшуносликнинг хилма хил йўналиш ва оқимлари шакилланган бўлса-ди, бу йўналиш ва оқимларнинг барчасида умумийлик мавжуд бўлиб, бу тил ва нутқнинг фарқланишида, тилга система сифатида ёндашувда кўзга ташланади. Ҳозиргача тўпланган илмий-назарий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, тил ва нутққа хос умумийлик ва хусусийликларни қуйидагилар асосида кузатиш мумкин:

Тил юқорида тавсифлаб ўтилганидек, бевосита кузатишда берилмаган ижтимоий ҳодисадир. У жамият аъзоларининг ақлий фаолияти мҳсули бўлиб, улар учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган ҳамда фикрни шакллантириш ва уни нутқ жараёни асосида моддийлаштириш учун хизмат қиладиган унсурлар ва бу унсурларни ўзаро бирикиши, боғланишини белгиловчи қоидалар йиғиндисидан ташкил топадиган мураккаб системадир. Демак, тил системаси, образли қилиб айтилганда, элементлар ва уларнинг узвийлигини таъминловчи умумий ва мажбурий асосга эга бўлган меъёрий қоидалар хазинасидир. Бу хазинанинг амалий фаолияти эса унинг ҳар қандай муҳитда ва исталган пайтда артикуляцион-физиологик ҳодисага (нутққа) айланишга тайёр туриши мисолида кўринади. Чунки у нутқ аъзоларининг ҳаракати туфайли руҳий ҳодисадан моддий қобикқа эга бўлган ташқи восита сифатида намоён бўла олади. Шундай экан, тил системаси ана шу моддийлик билан боғланмаса, у ҳали айтилмаган, гапирилмаган ички имконият, хазина холос. Тилдаги ана шу идеал хазина элементларининг материал қиёфа касб этиши эса, уларнинг нутқ тузиш жараёнида талаффуз орқали рўёбга чиқариладиган моддий муқобиллар билан боғланиши асосида рўй беради.

Нутқ тилдаги вертуал (идрокий) элементларининг актуаллашуви асосида тузиладиган индивидуал тизимлар мажмуйидир. Бошқача қилиб айтганда, нутқ тилнинг бевосита кузатишда берилмаган элементлари асосида тузиладиган моддий ҳосилалар тизимидир. Айни пайтда нутқ тил системасига хос чекланганлик, умумийлик, мажбурийлик каби хусусиятга эга бўлган бирликларнинг чекланмаган, хусусий имконити сифатида воқеланишидир. Бироқ нутқий жараёнга хос чексизлик унинг узлуксизлигига асосланмайди,

балки нутқ тузиш имкониятининг такрорийлигини белгилайди. Чунки нутқ жараёни сўзловчи томонидан тил бирликлари воситасида маълум бир ахборот тугаллигига эга бўлган система тузиш билан чегараланади.

Тил ва нутқ ходисалари ўртасидаги миқдорий тафаввутнинг вужудга келиш сабаблари эса тил элементларининг ноўхшашлик ва дискретлик каби белгиларга эгаллиги туфайли нутқда такрор-такрор воқелана олиш имкони билан боғлиқдир.

Нутқий жараён орқали рўёбга чиқувчи сўзлаш қобилияти тил системасининг амалий ифодаси бўлса-да, бу тилнинг нутқ билан мутлақ муштарак ҳодса эканлигини белгиламайди. Чунки тил имкониятнинг нутқий ҳосила сифатида намоён бўлиши, муайян миллатга мансуб ҳар бир шахсга хосдир. Бу нутқнинг хусусийлиги, тилнинг эса умумийлигини белгилайди. Ҳар бир шахс учун хусусий ҳосила сифатида намоён бўлувчи нутқ замон ва маконга муносабати жиҳатидан Г. Штейнтал таърифлаганидек, «Тилнинг ҳозирги пайтда юз бераётган ёки ҳозирги пайтда юз бераётибди деб фикр қилинаётган кўринишидир». (В.А.Звягнцев. Хрестоматия по истории языкознания 19 и 20 веков, ч. 1, М., 1960.) Демак, нутқ айтилиб бўлган, айтилаётган ва айтилмоқчи бўлган фикрдан таркиб топиши мумкин.

Шунингдек, нутқ ўзининг моддийлиги қиёфасига кўра ташқи нутқ ва ички нутқ тарзида ажралади. Хусусан, ташқи нутқ тилнинг ёзма ёки оғзаки шакилдаги моддийлигидан иборат бўлади. Ички нутқ эса нутқий реал товушларонинг ондаги образи воситасида узвийликка эга бўлишидир. Бу нутқ шакллари ташқи тафоввутларга эга бўлса ҳам улар бири иккинчисига ўтиб, айланиб турувчи ҳодисалар сифатида узвий алоқадордир.

2-§. Тил қоидалари (меъёр) ва уларнинг моҳияти. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, тилдаги имкониятларнинг нутқ воситасида рўёбга чиқиши муайян қоидаларга, яъни меъёрларга асосланади. Зотан, айнан тил қоидалари ундаги элементларнинг реал нутқий занжирда узвий боғланишини таминловчи меъёрлар, андозалар мажмуи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, меъёрий қоидалар лисоний тизимидаги вертуал элементларининг у ёки бу нутқ системаси билан боғлана олиш имкониятларини белгиловчи омил сифатида ҳам қимматлидир. Бироқ тил меъёрлари, яъни қоидалар тил системасидаги барча элементлар ўртасидаги ўзвийликни ўзида қамраб олиш хусусиятига эга эмас. Чунки меъёрлар фақат муайян ситагматик қатор бўйлаб элементлараро узвий муносабатни юзага келтира олиш хусусияти билан чегараланади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, тил меъёрлари воситасида юзага келадиган элементлараро синтагматик муносабат парадигматик сатҳлар ёки мазкур сатҳларни ташкил этувчилар ўртасидаги муносабатдан фарқланади. Бу фарқ ташқи жиҳатдан тил элементлари ҳамда уларнинг узвийлигига асосланган бўлак ва бутун муносабатига ўхшайди. Чунки тил меъёрлари турли синагматик муносабатларни юзага келтирувчи андоза сифатида ўзига хос хилма-хилликка эга бўлган бўлак бўлса, парадигматик муносабат эса ана шу меъёрларий қоидалар бирлиги асосида юзга келувчи бутунликка, яъни структурага асосланади. Шу жиҳатига кўра тил меъёрлари структурадан фарқланади. Демак, муайян системани ташкил этувчи

элементлараро тартибга солинган, қоидалаштирилган муносабат мажмўйи структурани ташкил этди. *Меъёр* эса тил бирликларининг нутқ жараёнида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият аъзолари томонидан белгиланган ва аниқланган бўлади.

Аммо тилдаги меъёрилик ҳам структуравийлик ҳам ҳар бир тилнинг ўзига хослигини ифодаловчи хусусият сифатида муштаракдир. Хусусан, ҳар қандай тил ўзига хос грамматик структурага эгалиги билан бошқа тилдан фарқланади. Бу фарқ структурани ташкил этувчи ҳар бир меъёрий қоидаларда ҳам ўз аксини топади. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз ясаиш структурасига тегишли қоидаларнинг фарқланиши мазкур тилларнинг ўзига хослигидан далолат беради. Демак, муайян тил системасининг ўзига хослигини акс эттирувчи грамматик структура ва уни ташкил этувчи ҳар бир қоида фақат мазкур тилда тузиладиган нутқнинг маълум бир қолип, моделда воқеланишини таъминлашга хизмат қилади.

Умумий хулосалар

1. Тил ва нутқ ўртасидаги дихатомик тафовутлар уларнинг ўзаро қиёсий тавсифидаги қуйидаги ўзига хосликлар мисолида кўринади:

- Тил нутқ ва нутқий фаолият ҳосиласи сифатида вужудга келадиган мураккаб тизимдир.
- Тил бевосита кузатишда берилмаган алоқа имконияти - нутқ эса ушбу имкониятнинг воқеланиши, руёбга чиқишидир.
- Тил барча учун умумий – нутқ эса ҳар бир кишининг хусусий фаолиятидир.
- Тилнинг фаолият муддати чексиз, узоқ – нутқнинг фаолият муддати эса чекланган, қисқа.
- Тилдан фойдаланиш имконияти макон ва замон билан боғлиқ эмас – нутқ жараёни эса муайян макон ва замонда чегараланган бўлади.
- Тил бирликлари миқдоран чегараланган – нутқ бирликлари эса чекланмаган бўлади.
- Тил турғун, статик ҳодиса – нутқ эса ҳаракатланувчи, динамик ҳодисадир.
- Тил бирликлари парадигматик – нутқ бирликлари эса синтагматик боғланишда яшайди.
- Тил элементлари статик – нутқ эса динамик ҳодисадир. Шу боис улар ўзига хос бирликларга эгалиги билан характерланади. Хусусан, фонема, морфема, лексема (идиоматик бирликлар) ва синтагматик модел кабилар тил бириклари бўлса, уларнинг нутқий воқеланиши фон (графема), морф (ўзак ва аффикс морфлар), сўз бирикмаси ва гап шаклида намоён бўлади.
- Тилнинг диахроник асослидир – нутқнинг эса синхронияга асосланади.

2. Тил қоидалари, яъни меъёр тил системасига хос элементлар ва уларнинг реал нутқ занжирда узвий боғланишини таминловчи омил сифатида муҳим аҳамият касб этади. Меъёр семиотик белгиларининг тил бирлиги сифатида шаклланиши ҳамда уларнинг нутқ жараёнида ишлатиш қонуниятлари ва

имкониятлари бўлиб, улар жамият аъзолари томонидан белгиланган ва аниқланган бўлади.

3. Меъёр, биринчидан, тил тизимидаги вертуал элементларнинг мазмун-моҳиятига кўра парадигма ташкил этишида, иккинчидан, мазкур элементларнинг у ёки бу нутқ системасида ҳам мазмунан, ҳам грамматик жиҳатдан яхлитлик ташкил эта олиш имкониятларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

4-мавзу

Тил элементларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабати

1-§. Парадигматик муносабат. Тилшунослик тарихида тил элементлари ўртасидаги узвийлик асосини парадигматик ва синтагматик муносабат ташкил этиши ҳақидаги дастлабки мукамал назарий қарашлар швейцариялик олим Ферденанд де Соссюр номи билан боғлиқдир. Бироқ Соссюрнинг таълимотида парадигматика термини ўрнида «ассоциация» қўлланилади ва мазкур истилоҳ орқали тил бирликларининг нутқдан ташқаридаги, яъни бевосита кузатишда берилмаган муносабати тушинилади. Бунда ўзаро муштараклик ва зиддият асосида муайян гуруҳларга бирлашган ҳолда сўзловчи хотирасида виртуал ҳолатда сақланадиган тил элементларининг хусусий муносабати ётади. Мазкур гуруҳлар таркибидаги тил элементларининг хотирада бир-бирини эслатиб туриш хусусиятини эътиборга олган ҳолда, Ф. де Соссюр бундай муносабатни «ассоциатив муносабат» деб номлайди. (Курс. 158.) Дарҳақиқат, ассоциатив муносабат асосида маълум бир парадигматик бутунликка бирлашувчи тил бирликлари ўзаро бир-бирини тақозо этиши, яъни бири иккинчисини эслатиб туриш имкониятига ҳам эга бўлади. Масалан, *китоб* хусусида фикр билдирилганда онгимизда *дафтар*, *қалам*, *сумка* каби ўқув қуроллари билан боғлиқ бўлган уядош лексемаларнинг беихтиёр жонланиши, шундан далолат беради. Бундан англашиладики, тил бирликларининг парадигматик муносабати индивидуал характерли бўлиб, у муайян тилда сўзлашувчи ҳар бир шахснинг хотирасида яшашайди.

Юқорида таъкидланганидек, парадигма элементларининг бир-бирини тақозо этиши, уларнинг муштарак белгига эга бўлишига асосланади. Шу боис тил бирликларининг парадигматик муносабати тилшуносликда баъзан ўхшаш элементларнинг тик чизик бўйлаб боғланиши сифатида ҳам талқин этилади. (Х. Неъматов. 21) Бироқ элементлар ўртасидаги ўхшашлик уларнинг мутлақ муштараклигини англатмайди. Чунки парадигматик муносабат доирасида иштирок этувчи элементларнинг ҳар бири ўзининг бир қатор хусусий белгиларига эгаллиги билан фарқланиб туради. Улардаги ўхшашлик эса элементларнинг маълум бир парадигмага бирлаша олиш хусусиятини намоён этади. Масалан, тил системасининг фонологик сатҳини ташкил этувчи фонемаларнинг парадигматик узвийлиги уларнинг бошқа тил бирликларидан фарқли равишда фақат моддийлик (материал қиёфага эгалик) хусусиятига кўра муштараклигига асосланади. Бироқ мазкур парадигма аъзоларининг ҳар бири ўзининг артикуляцион-акустик белгиларига кўра ноўхшашдир. Бундай ўхшаш ва

ноўхшашлик тил элементларининг ўзаро оппозитив ва дискрит ҳолатда сақланишини таъминлайди. Шу асосда икки ва ундан ортиқ оппозитив тил бирликлари парадигма қаторини ташкил этади. Масалан, тилдаги а, о, и, у, э, ў каби фонологик элементлар тил системасидаги унли фонемалар эканлиги билан ўзаро муштараклик касб этса-да, уларнинг ҳар бирига хос таснифий белгиларнинг ўзига хослигига кўра хусусийликка, яъни оппозитивликка эгадир. Бундай оппозитив ҳолатни тил тизимининг барча элементларига хос парадигматик муносабат мисолида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ўзбек тилидаги эгалик аффикслари нарса-буюмни бирор шахс ёки нарсага тегишлилигини ифодалашига кўра муштарак бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири орқали ифодаланадиган шахс-сон тушунчасига хос хусусийлик нуқтаи назаридан ўзаро оппозитивдир.


Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тил бирликларининг парадигматик муносабатга киришувида парадигма аъзоларининг шаклий, мазмуний ва вазифавий ўхшашлиги асосида намоён бўлувчи муштарак ўринга, яъни позициясига эга бўла олиш хусусияти ҳам муҳим омил сифатида хизмат қилади. Масалан, а, о, у, и, э, ў фонемалари парадигмасининг вужудга келишида мазкур парадигма аъзоларининг ҳар бирига хос унлилик белгиси уларнинг бир хил позицияда кела олишини таъминлайди. Худди шунингдек, -чи, -дош, -каш каби морфемаларнинг позицин муштараклиги уларнинг сўз ясовчи аффикслик хусусияти орқали намоён бўлади. Ана шу белгиси туфайли мазкур морфемалар ўзаро бир умумий парадигмага бирлаша олади.

Қайд этилганлардан англашиладики, тил бирликларининг парадигматик муносабати замирида элементларининг шаклий, мазмуний ва вазифавий ўхшашлиги ётади. Бу турдаги ўхшашликлар тилшуносликда тил бирликларининг омоним, синоним ва вазифавий муштаракликларини фарқлаш мисолида яққол кўзга ташланади. Шундай экан, тил бирликларининг муайян сатҳ ёки сатҳлараро шаклий, мазмуний ва вазифавий ўхшашликка асосланган муносабати парадигматик муносабат дейилади. Гарчи бундай муносабатлар хусусида Соссюргача яшаган олимларнинг тадқиқотларида бир қатор мулоҳазалар билдирилган бўлса ҳам, Соссюр синтагматик ва парадигматик алоқа ўртасидаги умумийлик ва фарқли томонлар моҳиятини атрофлича таҳлил этган ҳолда, бу муносабатларни тилшуносликнинг асоси даражасига кўтарилишида муҳим ҳисса қўшди. Зотан, замонавий тилшуносликда у ёки бу лингвистик жараён хусусида сўз юритилганда фикрнинг аксарият ҳолларда айнан парадигматик ёки синтагматик муносабатларга тақалишининг боиси ҳам шундадир.


Шуни ҳам қайд этиш лозимки, тил системасига хос элементларнинг парадигматик муносабати уни ташкил этувчи унсурлар муштараклигининг максимал ва минимал даражасига кўра ҳам ўзаро фарқланади. Хусусан, мазмуний, шаклий ёки вазифавий жиҳатдан муштарак бўлган элементларининг минимал ўхшашлигига кўра бутунлик ташкил этиши асосида микропарадигмалар ёки кичик парадигмалар вужудга келади. Айнан ана шу микропарадигмаларнинг ўзаро узвийлиги асосида эса тилда макропарадигмалар таркиб топади. Бунда тил системасидаги ҳар бир микропарадигма ўзининг

бошқа парадигмалар билан ўзаро боғлана олиш хусусияти туфайли ўзидан юқори турувчи янги бир бутунликни, яъни макропарадигмани вужудга келтира олиш хусусияти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, тилдаги барча фонологик системасига хос элементлар (фонемалар) ўртасидаги ўхшашлик уларни бир умумий макропарадигмага бирлаша олишини таъминлайди. Қуйида тил бирликларининг макро- ва микропарадигмасига эътибор қаратамиз.

Маълумки, ўзбек тилининг фонологик системаси мазкур миллатга мансуб бўлган кишилар онгида парадигматик узвийлиги асосида сақланувчи 31та фонемадан ташкил топади. Демак, мазкур тилнинг фонологик системаси ундаги 31 та фонеманинг микро- ва макропарадигматик боғланишида мужассамланади. Масалан, а, о, у, ў, и, э унли фонемалар тизими тилнинг горизантал, вертикал ҳаракати ҳамда лаблар иштироки каби таснифий белгиларига кўра алоҳида-алоҳида микропарадигмаларни ташкил этади:



Баъзи тадқиқотларда микропарадигматик муносабат нутқнинг фонетик сатҳига дахлдор бўлган аллофонларнинг фонемаларни таркиб топтириши мисолида ҳам кузатилади. (Сольнцев 74).



Тил системасидаги микро- ва макропарадигмаларни белгилашда унли ва ундош фонемаларнинг таснифий сифатлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда бир хил таснифий белгига эга бўлган фонемалар ўзига хос парадигматик қаторни ташкил этишига эътибор қаратилади. Масалан, лаб ундашлари бўлган б, п, м, ф, в фонемаларидан ташкил топувчи микропарадигма тил ва бўғиз ундошлари билан биргаликда талаффуз ўрнига кўра ўхшашлиги жиҳатидан бир умумий макропарадигмага бирлашади.

Худди шунингдек парадигматик боғланишни тил тизимидаги бошқа сатҳлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тилнинг морфем структурасидаги аффиксал морфемалар макропарадигмасининг сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи ва шакл ясовчилар каби таснифланиши ҳам мазкур микропарадигмаларга бирлашувчи аффиксал морфемаларнинг вазифавий ўхшашлигига асосланади. Айни пайтда, сўз ясовчи аффикслар парадигмасининг ўзи уни таркиб топтирувчи аффиксал морфемалар микропарадигмасига нисбатан макропарадигма ҳисобланади.

Баъзи адабиётларда от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш каби мустақил сўзлар тилнинг морфологик парадигмасини ташкил этиш билан бир қаторда, мазкур

морфологик элементларнинг гап макропарадигмасидаги эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол каби бўлақлар вазифасида қўлланиши асосида микропарадигматик бутунликни ташкил этиши мумкинлиги ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади. (Березин, Головин-212-216)

Таъкидланганлардан маълум бўладики, тил системасига хос бирликлар ўртасидаги парадигматик муносабатни вужудга келтирувчи минимал ва максимал ўхшаш белгилар тафавути ўта нисбий бўлиб, бир ўринда микропарадигма қиёфасига эга бўлган минимал ўхшашликка эга бўлган элеменлар гуруҳи бошқа ўринда макропарадигма сифатида намоён бўлиши мумкин. Парадигматик муносабатнинг чегараси ҳар бир тил сатҳига унсирлардаги максимал муштараклиги асосида белгиланади. Масалан, морфемаларнинг максимал муштараклиги асосида тил тизимидаги барча морфемаларни бирлаштирувчи макропарадигма вужудга келади. Тил бирликларига хос бу даражадаги боғланиш, парадигматик муносабатнинг яқунланиши ва сатҳ муносабатининг бошланишига олиб келади.

Тил тизимидаги бир гуруҳ бирликлар, хусусан, морфема, лексема ва синтаксема (синтактик модел)лар шакл ва мазмун бирлигидан таркиб топади. Шу боис, мазкур бирликлар ўртасидаги парадигматик муносабат айрим ишларда шаклий ва мазмуний парадигматик муносабатга ажратилади (Маҳмудов, Нурмонов Наз. грамматика 26.).

1. Шаклий парадигматик муносабатда тил бирликлари(морфема, лексема, синтаксемалар)нинг ҳар бири ўзига хос меъёрий (тил қоидалари) талаблари асосида муштарак структур моделларни таркиб топтириши асосида кузатилади. Масалан, *ми+чи, ми+сиз, ми+ла, ми+чан* каби морфемалар, гарчи маъно жиҳатдан турли лексик-грамматик категорияларга дахлдорлиги билан фарқланса-да, уларнинг {ўзак+сўз ясовчи} бир хил деривацион қолиплар асосида воқеланиши, бир умумий парадигмага бирлашиши учун асос бўлади. Худди шунингдек, *боғ, тоғ, доғ* каби лексемаларни ташкил этувчи унли ва ундош фонемаларнинг CVC қолпида боғланиши, уларнинг муштарак фонологик структурага эга эканлигини белгилайди.

2. Мазмуний парадигматик муносабат икки ва ундан ортиқ тил бирликларининг умумий маъно бутунлигига эга бўлиши асосида намоён бўлади. Хусусан, ўзбек тилидаги *-нинг–ни, -га, -да, -дан* каби морфемаларнинг келишқлар парадигмасига бирлашуви учун асос бўлган омил, уларнинг муштарак грамматик маъно ва вазифага эгаллиги билан белгиланади. Худди шунингдек, *ота, она, ака, ука, опа, сингил* лексемалри {қариндош} интеграл семасига кўра бир умумий парадигмага бирлаштиради.

2-§.Синтагматик муносабат. Назарий тилшуносликдан ўрин олган яна бир узвийлик, тил бирликларининг горизантал чизиқ бўйлаб кетма-кет муносабатга киришуви асосида намоён бўлади. Бундай муносабат синтагматик алоқа дейилади. Мазкур алоқага кўра тил бирликлари бир-бири билан тўғри чизиқ бўйлаб муносабатга киришади ва нутқ занжирини шакллантириш учун хизмат қилади. Тил бирликларининг синтагматик алоқага киришуви ҳар бир тилнинг ўзига хос қоидаларига асосланади. Синтагматика ёки синтагматик муносабат термини синтагма сўзи билан ўзакдош бўлиб, моҳиятан нутқ

жараёнида икки ёки ундан ортиқ тил элементларининг кетма-кет боғланишини тақозо этади. Тил элементларининг синтагматик боғланишидаги ўзига хос хусусиятлар қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Синтагматик муносабат асосида тилнинг энг муҳим вазифаси, яъни коммуникатив функция ётади. Зотан, кишилар онгида вертуал ҳолда сақланувчи тил парадигмасига хос элементларининг айнан синтагматик қатордаги мантикий ва грамматик узвийлиги уларнинг муайян мазмун ташувчи артикуляцион-акустик модийлик сифатида нутқ бирлигига айлантиради ва шу асосда тилнинг коммуникатив имконияти намоён бўлади.

2. Тарихийлик жиҳатдан синтагматик муносабат тил парадигмасини юзага келишида асос бўлади. Зотан, Ф. де Соссюр бу хусусида «нутқ факти тил фактига нисбатан қадимийроқдир», -деб ёзган эди. (Курс...42.) Дарҳақиқат, тил элементларининг синтагматик қатор бўйлаб нуқий занжирдаги кема-кетлиги, уларининг верикал узвийликка эга бўлган сатҳлар ҳосил қилиши учун ҳам қулай имконият вужудга келтиради. Чунки ҳар қандай тил элементи маълум бир нутқ моделда ўзининг барқарор позициясига эга бўлади. Шундай экан, нутқ моделидаги мазкур пазицида иштирок эта оладиган ҳар қандай тил элементи ўзаро муштарак, яъни бир хил сатҳ вакили ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълум бўладиги, тил элементларининг бундай пазицион муштаракликлари уларни бир хил парадигматик қатор элементлари бўлишини ҳам таъминлайди. Хилма-хил тил элементларининг муайян парадигматик муносабати асосида бирлашуви эса, ўз навбатида, бир хил нутқий қолип воситасида турлича фикр ифодалаш учун қулай имконият вужудга келади. Масалан:

Аброр	китоб	варақлаяпти
Гавҳар	газета	ўқияпти
Рухсора	расим	чизаяпти
Ўулкар	шеър	ёдлаяпти

Келтирилган мисолдан кўринадики, бир хил қийматга эга бўлган турли тил элементларининг синтагматик муносабатдаги пазицион муштараклиги, уларнинг ҳар хил парадигматик боғланишини вужудга келтирган. Айни пайтда, мисолдаги парадигмалар таркибидаги элементлар хилма-хиллиги орқали бир хил синтагматик қолип асосида турлича коммуникатив мақсадни рўёбга чиқариш имкони юзага келган. Демак, тилнинг парадигмаси ва ундаги элементлар ранг-баранглиги (элементлар ноўхшашлиги) асосида, унинг нутқий имконият даражаси белгиланади.

3. Юқорида қайд этилганидек, тил системасидаги маълум бир парадигмага мансуб бўлган элементларнинг реал нутқ жараёда горизантал чизиқ бўйлаб кетма-кет боғланишига синтагматик муносабат дейилади. Бундан англашиладики, синтагматик алоқа иштирокчиларининг ҳар бири муайян парадигматик сатҳ аъзоси ҳисобланади. Шундай экан, тил элементларининг синтагматик муносабатга киришуви, ўз навбатида, сатҳлараро муносабатни ҳам акс эттиради. Бу ҳолат синтактик таҳлил жараёнида табиий равишда кўп эътироф этилади. Масалан, *Мен қизиқарли фильм томоша қилдим*, гапи гарчи реал лексемаларларнинг синтагматик муносабати асосида тузилган бўлса ҳам,

унинг тахлилида олмош билан феъл (*мен+томоша қилдим*), сифат билан от (*қизиқарли+фильм*) , от билан феъл (*фильм+томоша қилдим*) муносабатга киришаётганлиги қайд этилади. Бу ҳолат тил системасидаги элементлар ва улар мансуб бўлган сатҳларнинг ўзаро узвийлиги биргина парадигматик муносабат билан чекланмай, улар ўртасида синтагматик боғланиш ҳам мавжудлигидан далолат беради. Бу фикрнинг яна бир далили сифатида тил системасининг бошқа сатҳларига хос элементлар ўртасидаги синтагматик муносабатларни ҳам келтириш мумкин. Хусусан, фонологик сатҳ элементлари бўлган фонмаларнинг синтагматик боғланиши асосида морфемалар (о+н+а+л+а+р+и+м+и+з+н+и+нг), морфемик сатҳ birlikлари бўлган морфларнинг синтагматик муносабатга киришуви асосида эса лексемаларнинг шаклланиши (боғ+бон+лар+имиз+дан) шулар жумласидандир. Демак, тил birlikлари ўртасидаги синтагматик муносабат ёлғиз синтактик сатҳ элементларининг кетма-кетлик асосида боғланишгагина дахлдор бўлмай, фонологик ва морфемик сатҳ birlikларининг горизонтал чизик бўйлаб боғланиши ҳам айнан синтагматик муносабат асосида юз беради. Тилшуносликда «парадигматик синтагматика», «фонологик синтагматика» каби истилоҳларнинг юзага келиш боиси ҳам шундадир.

4. Ҳар бир элемент синтагматик муносабат жараёнига киришганда ўзига хос позиция (ўрин)га эга бўлади. Позициянинг муҳим жиҳати шундаки, у элементларнинг синтагматик муносабатга киришиш ўрнини белгилаш билан бир қаторда, мазкур элементларнинг у ёки бу парадигмага мансублигини кўрсатувчи белги сифатида ҳам қимматлидир. Буни синтагматик боғланишда иштирок этадиган тил элементларининг хилма-хил моделлари мисолида кузатиш мумкин. Масалан, агар ўзбек тилидаги йиғиқ синтагматик алоқа қолипи эга+кесим тартибида бўлса, эга асосан от туркумини, кесим эса кўпинча феъл туркумини эслатиб туради.

Худди шундай ҳолатни морфемаларнинг синтагматик муносабати асосида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, морфемаларнинг иш+чи+лар+имиз+нинг // боғ+бон+лар+и+дан тарзида боғланишидан ҳосил бўлган лексемалар структурасига диққат қилинса, гарчи бу икки лексема ўзининг ифодаловчи ва ифодаланувчилик хусусиятига кўра бир-биридан мутлақо фарқланса ҳам, элементнинг позиция ўхашлиги уларнинг бир хил парадигмага мансублигидан далолат беради. Чунки ҳар иккала лексеманинг морфем структураси ўзак+сўз ясовчи+шакл ясовчи+сўз ўзгартувчи қолипига асосланган.

Морфемаларни ташкил этувчи фонемалар ўртасидаги синтагматик чизик бўйлаб боғланишда ҳам позиция муҳим қиймат касб этади. Масалан, *ҳўл*, *хол*, *хил* ўзак морфемалари мазмун ва моҳиятига кўра ўзаро фарқланса ҳам, фонемаларнинг бир хил позицияда эканлиги, мазкур элементларнинг парадигматик муштараклигидан далолат беради. Чунки *ҳўл*, *хол*, *хил* морфемаларидаги *х\л\х* фонемалари ундошлар парадигмасига, *ў*, *о* фонемалари эса унлилар парадигмасига мансубдир.

Қайд этилганлардан англашиладики, тил birlikларининг синтагматик алоқа жараёнидаги позицияси бевосита унинг бажарувчи вазифасини ҳам тақозо этади. Ёки аксинча, ҳар бир тил элементининг синтагматик позицияси унинг

синтагматик боғланишдаги вазифаси асосида белгиланади. Бундай узвийлик тил элементларининг синтагматик позицияси ҳамда вазифаси ҳар доим ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлишидан далолат беради. Жумладан, *иш+чи+лар+имиз+нинг* морфемаларининг позицияси уларнинг ўзак+сўз ясовчи+шакл ясовчи+сўз ўзгартувчи каби вазифавий имкониятларини ҳам акс эттиради.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, элементлар позицияси уларнинг жойлашиш тартиби билан ҳар доим ҳам мос келавермайди. Хусусан, юқорида келтирилган морфемалар боғланиши нутқ жараёнида турлича тартибда кела олиши мумкин. Масалан, *иш+нинг\| иш+чи+нинг\| иш+лар+нинг* ва ҳ.о. Шу боис ҳар бир элементга хос позиция унинг нутқий воқеланишиш жараёнидаги вазифасига қараб белгиланади ва шу асосда тил элементларининг турли вазифа ва позицияга эга бўлган синтагматик қолиплари вужудга келади. Синтагматик қолиплар таркибида иштирок этадиган элементга хос пазицион хилима-хиллик эса уларнинг ҳам вазифавий, ҳам моддий ноўхшашлигига асосланади. Зотан, айнан ноўхшашлик нутқий система таркибидаги муайян вазифага эга бўлган элементнинг бошқа элементлардан фаркланувчи позицияга эгалигини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, *иш+чи+лар* морфемалари таркибидаги *иш-*морфемасининг бошқа сатҳдошларига нисбатан ноўхшаш жиҳати ундаги фонлогик моддийликдан ташқари, мустақил лексик ва грамматик маъно ифодалай олиш хусусияти асосида ҳам кўзга ташланади. Айнан ана шу ноўхшашликлар унинг бошқа морфемалардан фарқли равишда тилнинг морфем структурасини таркиб топтирувчи асос (ўзак) позициясига эгалигини белгилайди. Мазкур морфеманинг ўзак (асос) позициясига эга бўлиши унинг биргина синтагматикадаги ўрнини белгиламай, унинг *боғ*, *китоб*, *синф* каби ўзак мақомига эга бўлиши мумкин бўлган ном билдирувчи бошқа морфемалар билан бир хил парадигматик позицияда тура олишини ҳам англатади.


Синтагматик муносабат ҳам парадигматикада бўлгани каби шаклий ва мазуний

3-§. Иерархик муносабат. Тил бирликларининг систем муносабатини таъминлашда муҳим бўлган учинчи тур узвийлик ҳам борки, бу тилшуносликда иерархик ёки поғонали муносабат деб юритилади. Иерархик муносабат тил системасидаги кичик ташкил этувчилар ва уларнинг узвийлиги асосида юзага келадиган ҳосила бутунликлар орасидаги муносабатни тақозо этади. Бошқача айтганда, бу муносабат замирида тил бирликларининг ўзаро тишқил этувчанлик хусусияти асосида янги бир бутунликнинг вужудга келиши ётади. Масалан, фонемаларнинг иерархик муносабати асосида морфемалар, морфемаларнинг иерархик узвийлиги асосида эса лексемаларнинг шаклланиши бунинг яққол далилидир. Иерархик муносабатни вужудга келтирувчи тил бирликлари ўзининг ташкил этувчанлик сифатига кўра икки гуруҳга ажратилади: а) минимал ташкил этувчилар ёки энг кичик тил бирликлари; б) минимал ташкил этувчилар асосида вужудга келадиган ҳосила тил бирликлари (Ҳ.Неъмат «Т.Н 10»).

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, минимал ташкил этувчилар ва улар асосида шаклланидиган ҳосила тил бирликлари ўртасидаги иерархик муносабат нисбий

моҳиятга эгадир. Чунки муайян бутунликнинг минимал ташкил этувчиси сифатида иштирок этадиган тил унсурининг ўзи тилнинг бошқа бир сатҳига қиёсан олинганда ички ташкил этувчилардан таркиб топиши мумкин. Лингвистик унсурларининг иерархик муносабатига даҳлдор бўлган бундай хусусиятни тил тизимидаги барча микро- ва макропарадигмалар ҳамда уларни таркиб топтирувчи минимал тил унсурларининг парадигматик узвийлиги мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бундан англашиладики, иерархик муносабат тил бирликларининг маълум бир сатҳдаги ички поғонали муносабати билангина чегараланмай, у ёки бу сатҳ аъзларининг ўзаро узвийлиги натижасида янги бир сатҳ бирлигини ташкил этиши орқали ҳам кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан қаралганда иерархик муносабатнинг икки турини фарқлаш мумкин. Булардан биринчисида, муайян бир саҳга даҳлдор минимал ташкил этувчиларнинг сатҳ ичидаги ирархияси вужудга келса, иккинчисида эса, сатҳ бирликларининг иерархик муносабатга киришуви асосида тил тизимида бошқа бир сатҳ бирлигининг вужудга келиши содир бўлади. Шунга кўра ирархик муносабатнинг бу каби икки турини шартили равишда а) ички ирархия, б) ташқи иерархия деб номлаш ўринли бўлади.

1. Юқрида таъкидланганидек, тилнинг энг кичик бирлиги фонема бўлиб, фонема нутқ товушлари ҳақидаги ижтимоий тасаввур маҳсулидир. Шу боис муайян фонема нутқ жараёнида турли товуш типлари, яъни аллофонлар тарзида намоён бўласа ҳам, улар тилда битта парадигматик бутунлик, яъни фонема тарзида барқарорликка эга бўлади. Масалан, $A1+A2+A3$ аллофонлари ўзининг ўхшашлиги (унлилик, битта инварянт фонеманинг нутқий вариантлари эканлиги каби) асосида А фонемасининг ички парадигматик муносабатини тақозо этади. Айни пайтда, мазкур парадигматик муносабат замирида минимал ташкил этувчилар ($A1+A2+A3$ аллофонлари) билан ҳосила тил бирлиги бўлган А фонемасининг иерархик муносабатини ҳам кузатиш мумкин.




Юқорида таъкидланганлардан англаш мумкинки, аллофонлар минимал ташкил этувчиларга эга эмас, яъни аллофонлар минимал таркибий қисмлар муносабатига асосланмайди. Шу боис тилнинг фонологик сатҳи доирасидаги иерархик муносабатнинг энг кичик ҳосила бирлиги фонема ҳисобланса, мазкур сатҳдаги ички иерархик муносабатнинг энг кичик (минимал) ташкил этувчилари аллофонлардир.

Тилнинг фонологик сатҳида фонемалар миқдоран чекланган бўлса-да, мазкур тизим доирасида бир қанча минимал ва ҳосила ташкил этувчи унсурларнинг ички поғонали муносабатини кузатиш мумкин. Хусусан, биргина унли фонемалар ўзининг лабланган ва лабланмаганлик, тил олди ва тил орқалик, юқори, ўрта ва қуйи каби белгиларига кўра турли

микропарадигмаларни ташкил этиши улар ўртасидаги ички иерархияга асосланади. Ўз навбатида, мазкур бутунликларнинг ҳар бири минимал ташкил этувчилар сифатида иерархик муносабатга киришиб, боқа бир ҳосилани, яъни унли фонемалар макропарадигмасини таркиб топишини таъминлайди.

	<i>Олд қатор</i>	<i>Орқа қатор</i>
<i>Юқори</i>	и	у
<i>Ўрта</i>	э	ў
<i>Қуйи</i>	а	о
	<i>Лабланмаган</i>	<i>Лабланган</i>

Ундошлар тизими ҳам унлилар каби тилдаги минимал ташкил этувчилар асосда вужудга келган ҳосила бутунлик бўлиб, улар ўзига хос хусусий белгиларига эга бўлган кичик ташкил этувчиларнинг поғонали муносабатига асосланади. Ўз навбатида, унли ва ундош фонемаларнинг иерархик муносабати натижасида тилнинг фонологик сатҳи таркиб топади. Худди шунингдек ҳолатни тилнинг морфем сатҳига тегишли тил бирликларининг поғонали муносабати мисолида ҳам кузатиш мумкин:



Қайд этилганлардан англашиладики, тил бирликларининг ички иерархик муносабати жараёнида, биринчидан, тенг қийматли тил бирликларининг турли микропарадигмаларни таркиб топтириши, иккинчидан эса, микропарадигмаларни ўзидан юқори турувчи макропарадигмаларга бирлашган ҳолда поғоналашуви юз беради. Ички иерархиянинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, айти жараянда муайян сатҳга даҳлдор бўлган барча тил унсурлари микро- ва макропарадигмалар жамланган ҳолда ўз аксини топади. Масалан, тилдаги сўз ўзгартувчи морфемалар макропарадигмасини кўзатадиган бўлсак, мазкур бутунликни таркиб топишида келишик, эгалик ва шахс-сон микропарадигмалари ва уларни ташкил этадиган унсурларнинг барчаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Бироқ бундай ҳолни ташқи иерархик муносабатга ҳам тегишли, деб бўлмайди. Чунки, бунда тил бирликларининг иерархияси макропарадигма аъзолари доирасида юз бергани боис, уларининг микропарадигмага бирлашган ҳолда поғоналашуви иккинчи дараражали аҳамиятга эга бўлиб қолади.

2. Ташқи иерархик муносабат тил бирликларининг сатҳма-сатҳ қатламланишида намоён бўлади. Чунки ташқи иерархик муносабат жараёнида маълум бир макропарадигма аъзоларининг минимал ташкил этувчи сифатидаги иштироки, ҳосила тил бирлигини вужудга келтиради. Демак, ташқи иерархик муносабат жараёни, тенг қийматли тил унсурлари ўртасидаги микро- ва

макропарадигматик поғоналашувдан сатхлараро муносабатга ўтишини таминлашга ҳам хизмат қилади. Бунинг натижасида макропарадигма аъзолари сатх бирлиги мақомига эга бўлади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, тил бирликларининг ташқи иерархияси ҳар бир тилнинг ўзига хос систем-структур меъёрлари доирасида кечади. Чунки фонемаларнинг ҳар қандай узвийлиги морфемани, морфемаларнинг ҳар қандай узвийлиги лексемаларни шакллантира олмайди. Зотан, тил бирликларининг иерархик муносабати жараёнида вужудга келувчи ҳосилалар тилнинг структур меъёрлари асосида таркиб топади. Акс ҳолда юзага келган ҳосила бирликлар ижтимоий қийматга эга бўлмайди. Масалан, куёш ўзак морфемаси таркибидаги унли ва ундош фонемаларининг айнан C+V+C+V+C (қ+у+й+о+ш) қолипида боғланиши ўзбек тилининг меъёрий талабларини акс эттиради. Айни пайтда, мазкур фонлогик бирликларининг ўзаро узвийлиги асосида янги ҳосла бирлик, яъни морфеманинг шаклланиши ташқи иерархик муносабатни тақозо этади. Ташқи иерархик муносабатнинг қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, улар фонологик сатх бирликларининг иерархик муносабати асосида морфемаларнинг вужудга келиши, морфем сатх бирликларининг иерархик муносабати асосида лексемалар ва лексик шаклларнинг вужудга келиши, лексик сатх бирликларининг иерархик муносабати асосида синтактик бирликларнинг вужудга келиши билан боғлиқ мураккаб жараёни ўзида мужассамлантиради.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, фонемалардан бошқа барча тил бирликларига хос иерархик муносабат жараёни шакл ва мазмун (яъни материал ва идиал элементлар) узвийлиги асосида кечади. Хусусан, лексема семемаларни вужудга келишида семалар(маъно бўлакчалари)нинг минимал ташкил этувчилик фаолияти иерархик муносабатга мисол бўла олади. Шунингдек, лексемаларнинг тур-жинс (гипо-гипонимик), бутун-бўлак (партонимик) алоқалари мисолида ҳам иерархик муносабат кузатилади (Ҳ.Н С.Лек.22)

Умумий хулосалар

1. Муносабат тушунчаси тил бирликларининг турли коммуникатив эҳтиёжлар талабига кўра ўзаро алоқага киришуви, боғланиши, муайян бутунлик таркибидаги узвийлиги кабиларни ифодалайди. Бундай муносабатлар тил тизимида турлича бўлиши мумкин, хусусан, тил бирликлари ўртасидаги шаклий, мазмуний ва вазифавий муштараклик ва фарқлар лингвистик тизимдаги энг асосий муносабатлардир.

2. Парадигматик муносабат муштаракликка эга бўлган элементларнинг бир-бирини тақозо этган ҳолда муайян бутунликка бирлашишига асосланади. Бироқ элементлар ўртасидаги ўхшашлик уларнинг мутлақ муштараклигини англатмайди. Чунки парадигматик муносабат доирасида иштирок этувчи элементларнинг ҳар бири ўзининг бир қатор хусусий белгиларига эгалиги билан фарқланади.

3. Энг кичик фарқланувчи (оппозитив) белгиларига кўра муштараклик касб этувчи тил унсурлари микропарадигматик муносабатни вужудга келтиради. Демак, микропарадигматик муносабат асосини тил бирликларига хос минимал

муштаракликлар ташкил этади. Микропарадигматик бирликлар ўзларининг максимал ўхшашликлари туфайли макропарадигматик муносабатга эга бўлади.

4. Тил бирликларининг парадигматик муносабати замирида элементларининг шаклий, мазмуний ва вазифавий муштараклиги ётади. Тил бирилиларига хос максимал шаклий, мазмуний ва вазифавий ўхшашликлар асосида таркиб топадиган макропарадигма парадигматик муносабатнинг якуни ҳисобланади. Макропарадигма воситасида эса тил бирликларининг сатх муносабати шаклланади.

5. Синтагматик муносабат тил бирликларининг бирин-кетин тўғри чизик бўйлаб муносабатга киришуви асосида воқеланади. Кишилар онгида вертуал ҳолда сақланувчи парадигматик унсурларнинг синтагматик қатордаги мантикий ва грамматик узвийлиги туфайли уларнинг муайян мазмун ташувчи модийлик сифатида нутқ бирлигига айланади ва шу асосда тилнинг коммуникатив имконияти намоён бўлади.

6. Тил бирликлари ўртасидаги синтагматик муносабат лексик сатх элементларининг тўғри чизик бўйлаб кетма-кет боғланишгагина дахлдор бўлмай, фонологик ва морфемик сатх бирликларининг горизонтал чизик бўйлаб боғланиши ҳам айнан синтагматик бирин-кетинлик асосида юз беради.

7. Ҳар бир элемент синтагматик муносабат жараёнига киришганда ўзига хос позиция (ўрин)га эга бўлади. Позициянинг муҳим жиҳати шундаки, у элементларнинг синтагматик муносабатга киришиш ўрнини белгилаш билан бир қаторда, мазкур элементларнинг у ёки бу парадигмага мансублигини кўрсатувчи белги сифатида ҳам қимматлидир.

8. Ирархик муносабат тил системасидаги кичик ташкил этувчилар ва уларнинг узвийлиги асосида юзага келадиган ҳосила бутунликлар орасидаги муносабатни тақозо этади. Бошқача айтганда, бу муносабат замирида тил бирликларининг ўзаро тишқил этувчанлик хусусияти асосида янги бир бутунлиқнинг вужудга келиши ётади. Ирархик муносабатни шартли равишда ички ва ташқи турларини фарқлаш мумкин.

9. Тил бирликларининг ички ирархик муносабати жараёнида, тенг қийматли тил бирликларининг турли микропарадигмаларни таркиб топтириши, шунингдек, макропарадигмаларга бирлашган ҳолда поғаналашуви юз беради. Демак, айна жараёнда муайян сатхга дахлдор бўлган тил унсурлари микро- ва макропарадигмаларга бирлашган ҳолда ўз аксини топади.

10. Ташқи иерархик муносабат эса тил бирликларининг сатхма-сатх қатламланишида намоён бўлади. Чунки ташқи иерархик муносабат жараёнида маълум бир макропарадигма аъзоларининг минимал ташкил этувчи сифатидаги иштироки, ҳосила тил бирлигини вужудга келтиради. Демак, ташқи иерархик муносабат жараёни, макропарадигма аъзоларининг ўзидан юқори турувчи сатх бирлиги сифатида шаклланишини таъминлайди.

5-мавзу

Тилнинг фонология тизими

1-§. Фонология ҳақида умумий маълумот. Фонология тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг товуш материяси тараққиётини ва шу материянинг фонологик тизимга уюшиш қонуниятларини ҳамда тилдаги вазифаларини тадқиқ қилади. Бу сатҳнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўз объектини семиотик аспектда (белгилар тизими сифатида) ўрганади. Тилшуносликда фонологиянинг фан сифатидаги мақоми хусусида икки хил фикр мавжуд. *Биринчи фикрга кўра*, фонология фонетиканинг ўзи эмас, чунки фонетика нутқ товушларини, фонология эса тил товушларини ўрганади. Демак, нутқ товушлари ҳақидаги таълимот (фонетика) аниқ, яъни моддий физик ҳодисаларни, тил товушлари ҳақидаги таълимот (фонология) эса шу товушларнинг идрокий функционал хусусиятларини тадқиқ қилади. Шунга кўра уларнинг тадқиқот методлари ҳам ҳар хил: фонетика табиий фанларнинг тадқиқот методларига, фонология эса лингвистик тадқиқот методларига, асосланади.¹ *Иккинчи фикрга кўра*, фонологияни фонетикадан ажратиб бўлмайди, чунки муайян тилнинг фонемалари тизимини, бу тизимдаги ҳар бир фонеманинг "семантизациялашган" (фонологизациялашган) белгиларини шу тилнинг конкрет талаффуз хусусиятларини ўрганмасдан тадқиқ қилиб бўлмайди. Демак, фонология аслида фонетиканинг ўзи, фақат унинг юқори босқичи, холос. Бинобарин, фонолог бир вақтнинг ўзида фонетист бўлмай иложи йўқ, айти пайтда фонетист ҳам доимо (шу жумладан, фонология пайдо бўлган давргача ҳам) маълум даражада фонолог бўлган, чунки у умуман товушни эмас, балки тил товушларини ўганган.²

Маълумки, фонетикада товуш ва бўғин сегмент бирликлар, урғу ва интонация (оҳанг) эса суперсегмент бирликлар тарзида тавсифланади. Фонологияда бу бирликлар функционал хусусият тақозоси билан фонема (товуш), силлабема (бўғин), акцентема (урғу) ва интонема(интонация, оҳанг) деб номланади, фонологиянинг ўзи эса сегментал фонология ва суперсегментал фонология каби икки турга ажратилади.

Сегментал фонологиянинг асосий предмети фонемадир, шунга кўра у фонематика, фонемика номлари билан ҳам аталади.

Суперсегментал фонологиянинг предмети эса силлабема, акцентема ва интонемадир, шунга кўра у просодика деб ҳам юритилади.

Фонологиянинг хулосалари фонетиканинг физик-акустик, анатомик-физиологик ва перцептив аспектларида тўпланган тажриба ва маълумотларга асосланади. Бу ҳол ҳам фонология билан акустик фонетика, артикуляцион фонетика ва перцептив фонетика ўртасида узвий алоқа борлигидан далолат беради.

Фонетик бирликларнинг лингвистик-функционал жиҳатларини ўрганиш, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бунгача «фонема» ва «фонология» тушунчалари бўлмаган, ҳатто «товуш» ва «ҳарф» тушунчалари

¹ Трубецкой. Н.С. Основы фонологии (русска пер.) – Москва, 1960, с.9

² Щерба Л.В. Очередные проблемы языкознания. //Изв. Академии Наук, ОЛЯ,1945, т.4 Вып. 5. с. 185-186.

бир ҳодисадек тасаввур этилган. Буни таниқли тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «Туркий тилларда қўлланадиган асосий ҳарфлар сони 18та эканлиги ҳақидаги фикрлари мисолида кўриш мумкин.

Ҳарф билан товушнинг қориштирилиши Европада Юнон-Рим тилшунослари асарларида ҳам кузатилади. Масалан, IV асрда яшаган Присциананинг грамматикасида ҳарфга оид терминлар товушга нисбатан қўлланади.² Бундай қориштирилиш XIX асргача давом этади. Таниқли олим, қиёсий-тарихий тилшуносликнинг асосчиларидан бири бўлган Якоб Гриммнинг 1819 йилда ёзилган «Немис грамматикаси» («Deutsche Grammatik», I. Göttingen, 1819) китобининг биринчи қисми «ҳарфлар хусусида» («Von den Buchstaben») деб номланганлиги ҳам шундан гувоҳлик беради. Ёш грамматикачилар (младограмматикачилар) тилларнинг қадимги товуш тизимларини қайта тиклаш ва бу тизимларнинг кейинги тараққиёт қонуниятларини аниқлаш ишларида қадимги ёзма ёдгорликларнинг ҳарфларига таяниб иш кўрганлар.¹ Бу ҳам юқоридаги фикримизнинг бир исботи.

Кўриниб турибдики, ўтмишда ҳарф ва товуш системалари кўпинча фарқланмаган. Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, тилшуносликда оғзаки ва ёзма нутқлар тилнинг алоҳида-алоҳида яшаш формалари эканлиги таъкидлана бошланади. Хусусан, таниқли рус ва поляк тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртенэ ўзининг «рус ёзувининг рус тилига муносабати» («Об отношении русского письма и русскому языку») китобида нутқий фаолиятнинг икки тури – талаффуз ва эшитувчи ҳамда ёзиш ва кўришга асосланган турлари борлигини айтади, аммо бу икки формани у бир-бирига тенг деб ҳисобламайди. Унингча, нутқнинг талаффузга ва эшитишга асосланган шакли ёзма шаклга боғлиқ бўлмаган мустақил равишда юзага келиши мумкин, ёзишга ва кўришга асосланган нутқ шакли эса фақат талаффузга ва эшитишга асосланган нутққа боғлиқ равишда англашилади.⁴

Тилшунослик фанининг кейинги тараққиёти шуни кўрсатдики, фақат товуш билан ҳарф эмас, балки товушнинг физик табиати билан унинг тил механизмидаги роли ҳам доимо бир-бирига мос бўлавермас экан. Бу масала И.А.Бодуэн де Куртенэнинг 1870 йилда ёзилган «XIV асргача бўлган қадимги поляк тили ҳақида» («О древнепольском языке до XIV столетия») номли магистрлик диссертациясида ўз ифодасини топади: унда фонетиканинг иккита вазифаси борлиги алоҳида таъкидланади: *1-вазифа*--товушнинг физик табиатини ўрганиш. Бу вазифа фонетиканинг акустик ва физиологик аспектларини ташкил қилади; *2-вазифа*--товушларнинг тил механизмидаги ролини сезиш, ҳис этишида товушларнинг аҳамиятини ўрганиш. Бунда тилнинг энг кичик (минимал) бирлиги ҳақидаги тушунчага асос солинади. Кейинроқ бу бирлик И.А.Бодуэн де Куртенэ ва унинг шогирди Н.Крушевский томонидан

² Жаранг: Т.А.Амирова, Б.А.Ольковиков, Ю.В.Рождественский. Очерки по истории лингвистики. -М.: «Наука», 1975, с.164-165.

¹ Жаранг: Л.Р.Зиндер. Очерки общей теории письма. -Ленинград: «Наука» (ленинградское отделение), 1987, с.9.

⁴ Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. М.; 1963, т. II, с.219

фонема деб номланади.¹ Шундан бошлаб, фанда ҳарф билан товушнигина эмас, балки товуш (фон) билан фонемани ҳам қатъий фарқлаш зарурати пайдо бўлади.

И.А.Бодуэн де Куртенэ 1881 йилда нашр этилган «Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари» («Некоторые отделы сравнительной грамматики славянских языков») номли асарида «*Фонема* сўзнинг ўзаро қиёсланаётган қисмлари орасида ўзининг бўлинмаслиги билан характерланади», дейди.² Товушларнинг морфема таркибидаги алмашинуви қонуниятига асосланиб, у фонеманинг бўлинмас бир бутун товуш шаклидагина эмас (масалан, *ворот, ров* сўзларида бўлганидек), балки товушнинг бир қисми (масалан, *сяду* сўзидаги юмшоқ «с» *сад* сўзидаги қаттиқ «с»нинг бир қисми) бўлиши ёки ҳатто морфема ва сўзнинг таркибида бўлакларга ажралмайдиган ҳолга келиб қолган икки ва ундан ортиқ товуш қўшилмасидан (масалан, *вращать, воротить* сўзларидаги «ра» ва «оро»дан) таркиб топиши ҳам мумкинлигини айтади. Бундан шу нарса англашиладики, И.А.Бодуэн де Куртенэ фонемани фонетик бирлик сифатида эмас, *этимологик-морфологик* бирлик сифатида қараган, бироқ шу жойнинг ўзида у «фонема» тушунчасининг икки хил эканлигини- 1) антропофоник (акустик-артикуляцион) хусусиятлар умумлашмасидан иборатлигини, 2) морфеманинг ҳаракатчан компоненти ва муайян морфологик категория белгиси бўлишини ҳам айтиб ўтади. Шундай қилиб, у фонеманинг антропофоник аспекти борлигини тан олади, уни морфологик аспектдан фарқлаш лозимлигини уқтиради.

Кейинроқ И.А.Бодуэн де Куртенэ фонема ҳақидаги фикрини ўзгартириб, унга соф психологик таъриф беради: 1984 йилда (поляк тилида) ёзилган «Фонетик альтернациялар назарияси юзасидан тажриба» («Опыт теории фонетических альтернаций») номли ишида у фонемани тил товушларининг психик эквиваленти деб баҳолайди, 1917 йилда ёзилган «Тилшуносликка кириш» китобида ҳам олим шу фикрни такрорлайди: «... бизнинг психикамизда товуш хусусида, аниқроғи, товушни талаффуз қилиш пайтидаги мураккаб иш комплекси ҳақида доимий тасаввур шаклландир. Биз уни фонема деб атаيمиз», дейди у.³

И.А.Бодуэн де Куртенэнинг юқоридаги фикрлари ва таърифларини таҳлил қилар эканмиз, уларда қуйидаги муҳим ҳолатлар кўзга ташланади: 1) олим тилда нутқ товушларидан бошқа элементлар борлигини сезган, тилшуносларнинг эътиборини шу элементларга тортишга ҳаракат қилган. Бу элементларни у кейинчалик «*фонема*» деб номлаган; 2) у фонемани гоҳ «*морфеманинг ҳаракатчан компоненти*», гоҳ «*нутқ товушларининг психик эквиваленти*», гоҳ «*морфема таркибида лисоний қийматга эга бўлган тил бирлиги*» деб таърифлаган. Буларнинг барчасида фонемага оид товуш алмашинуви (чередование звуков, альтернация) муаммолари ва нутқнинг морфологик бўлиниши назарияси билан боғланганлигини кўрамиз.

¹ Бу мақда қаранг: В.К.Журавлёв. Динахроническая фонология.-М.: «Наука», 1986, с.7

² Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию.М.; 1963, т.I, с. 121-122

³ Бу мақда қаранг: Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика.-М.: «Просвещение», 1976. с. 31-32

И.А.Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги ғоялари тилшуносликда фонетика фанининг янада кўпроқ ривож топишига, унинг юқори босқичи (олий формаси) бўлган фонологиянинг таркиб топишига олиб келади. Бу ғоялар кейинчалик чет элларда, масалан, Прага тилшунослик тўғараги фаолиятида фонологик тадқиқотлар олиб борилишига жиддий таъсир кўрсатди.

Ўзбек тилшунослигида фонологияга асосан, сўнгги 15-20 йил ичида эътибор кучайди: "Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси" (Нурмонов А.Н., 1990 й.), " Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси" (Абдуазизов А., 1992й.), "Умумий тилшунослик" (Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А., 1979й.) каби ишлар фикримизнинг исботидир.

2-§.Фонемика. Юқорида айтиб ўтилганидек, фонологиянинг бир қисми фонемикадир, у фонларнинг фонемаларга бирлашувини ўрганади.

Фонема сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғини фарқлаш орқали уларнинг маъноларини фарқлаш вазифасини бажарадиган энг кичик сегмент бирликдир. Масалан, ор сўзи таркибида иккита сегмент бирлик ("о" ва "р" фонемалари) бор, зор, озор, бозор сўзлари таркибида эса уларнинг сони кўпроқ: 3та ("зор"да), 4та ("озор"да) ва 5та ("бозор"да) каби. Бу ҳолат юқоридаги сўзларнинг товуш қобиғини (фонетик қиёфасини) ва маъносини фарқлаш имконини бермоқда. Бундай ҳолни "-ман" ва "-сан" морфемаларида, бораман ва борасан каби грамматик шаклларда ҳам кўрамиз: уларда фонемалар миқдори ортмаса-да, фонема турлари ўзгармоқда ("-ман" сўзида "м" фонемаси, "-сан" сўзида эса "с" фонемаси қўлланган), натижада морфема ва сўз шакллариининг товуш қобиғи ва маънолари фарқланмоқда.

3-§.Фонемаларнинг дифференциал белгилари уларни бир-биридан фарқлаш учун хизмат қиладиган аломатларидир. Масалан, "к" ундоши ўзининг жарангсизлиги билан жарангли "г" дан ажралиб туради, демак, "к"нинг жарангсизлиги, "г"нинг эса жаранглилиги бу икки фонеманинг дифференциал (фарқланадиган) белгилари саналади. Дифференциал белгилар фонемаларнинг фонологик хусусиятини белгилайди - сўзнинг фонетик қобиғи ва шу орқали унинг маъносини фарқлаш учун хизмат қиладиган: кул ва гул сўзларининг маънолари айти шу икки фонеманинг дифференциал белгилари (бирининг жарангсиз, иккинчисининг эса жарангли эканлиги) туфайли фарқланмоқда. Дифференциал белгилар фақат жаранглилик ва жарангсизлик жиҳатидангина эмас, балки фонемалар артикуляциясига боғлиқ ҳолда таркиб топиши ҳам мумкин: "б" - лаб-лаб ундоши, "д" - тил олди(дентал) ундоши. Артикуляция ўрнидаги бу тафовутлар бор ва дор сўзларининг фонетик қиёфасини ва маъноларини фарқламоқда; "қ"- портловчи, "х"- сирғалувчи. Артикуляция усулидаги бу тафовутлар ҳол ва ҳол сўзларининг товуш таркиби ва маъноларини фарқлаш учун хизмат қилмоқда.

4-§.Фонемаларнинг интеграл белгилари уларнинг ўзаро фарқланмайдиган аломатларидир. Масалан, "к" ва "г" ундошларининг ҳар иккаласи портловчи, ҳар иккаласи саёз тил орқа фонемалардир. Демак, бу икки фонема артикуляция усули ва артикуляция ўрнига кўра фарқланмайди.

5-§.Фонологик оппозиция ва корреляциялар. Фонологик оппозиция икки фонеманинг битта фарқланиш белгиси асосида ўзаро зидланиш ҳосил

қилишидир. Масалан, "п" (жарангсиз) ва "б" (жарангли) ундошлари жарангсиз-жарангли белгиси асосида бир оппозицияга бирлашади: п-б каби. Айни шу белгига (жарангсиз-жаранглилик зидланишига) асосланган(п-б)+(т-д)+(с-з)+(ф-в)+(к-г)+(ш-ж)+(ч-дж)+(х-ғ) оппозициялари ҳам бор. Демак, жарангсиз-жаранглилик белгиси асосида шаклланган саккизта оппозиция битта коррелляцияга бирлашади: бунда оппозициядаги интеграл белгилар коррелляцияда дифференциал белгиларга айланади: п-б (лаб-лаб)+т-д (тил олди)+к-г (саёз тил орқа)+п-б(портловчи)+ ф-в(сирғалувчи)... каби.

Унлилар тилнинг уч даражали кўтарилиши асосида ҳам оппозиция ва корреляция ҳосил қилади: и (юқори тор)-э (ўрта кенг)-а(қуйи кенг)=и-э-а корреляцияси; у(юқори тор) –ў(ўрта кенг)-о(қуйи кенг)=у-ў-о корреляцияси каби. Бу корреляцияларнинг барчаси бирлашиб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг вокализм системасини юзага келтиради. Демак, оппозиция (зидланиш) фонологик системанинг қуйи босқичи, корреляция эса шу системанинг юқори босқичи ҳисобланади. Фонологик зидланишлар амалдаги тилнинг структуравий бирликлари саналади, улар тарихан ўзгариб туриши ҳам мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, корреляцияларда оппозициялар микдорининг икки ва ундан ортиқ бўлиши шарт. Битта оппозициядан корреляция таркиб топмайди. Масалан, ўзбек адабий тилидаги Л ва Р сонантлари ён сонант (Л) ва титроқ сонант (Р) оппозициясини қосил қилади, аммо ўзбек адабий тилининг фонологик тизимида ён сонант-титроқ сонант зидланишига асосланган бошқа оппозициялар йўқ, шунинг учун Л-Р зидланиши яккаланган оппозиция ҳисобланиб, корреляция ҳосил қилмайди.

Фонологик оппозициялар ўз ички хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) *бир ўлчовли оппозиция*. Бунда фарқланиш белгиси фақат шу оппозициянинг икки аъзосига хос бўлиб, бу системанинг бошқа аъзосида учрамайди. Масалан, жарангли-жарангсиз белгилари асосида таркиб топган корреляциядаги т-д оппозицияси бир ўлчовлидир, чунки бу икки фонемадаги "тил олди" ва "портловчи" белгилари шу системадаги бошқа оппозицияларга хос эмас;

б) *кўп ўлчовли оппозиция*. Бунда бир оппозициядаги белгилар шу системадаги бошқа оппозицияларда ҳам учрайди. Масалан, жарангли-жарангсиз белгилари асосида таркиб топган оппозицияларда "портлаш" ва "жаранглилик" белгилари бир неча оппозиция вакилига хос бўлиши мумкин; б (портловчи, жарангли)-д (портловчи, жарангли)-г (портловчи, жарангли) каби;

в) *пропорционал оппозициялар*. Бунда бир система ичидаги барча оппозицияларнинг аъзолари ўртасидаги алоқалар ўзаро ўхшаш бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги п-б оппозициясидаги жарангсиз-жаранглилик белгилари шу системадаги т-д, к-г,с-з,ш-ж, ч-ж,ф-в,х-қ оппозицияларига ҳам хос;

г) *приватив оппозиция*. Бундай оппозицияларнинг бир аъзосида бўлган белги шу оппозициянинг иккинчи аъзосида бўлмайди: б-п оппозициясида "б"даги жаранглилик белгиси"п"да йўқ; т-д,к-г оппозицияларида ҳам шундай;

д) *градуал (погонали) оппозиция*. Бундай оппозициянинг аъзолари ўртасига бошқа (учинчи) фонемани киритиш мумкин бўлади. Масалан, тилидаги п(лаб-лаб)-к (саёз тил орқа) ундошлари оппозицияси орасига т ундошини (учинчи аъзони) киритиш мумкин, чунки у ҳам портловчи, жарангсиз бўлиб, артикуляция ўрнига кўра п (лабиал) ва к (саёз тил орқа) қаторининг ўртасида жойлашади: п-т-к каби. Бундай ҳолатни б-д-г системасида ҳам кўрамиз.

Умумий хулосалар

1. Фонемалар тил механизмида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мустақил бирликлардир: улар сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини (ифода планини) фарқлаш билан бирга, шу сўз ёки морфемаларнинг маъноларини фарқлаш вазифасини ҳам бажаради;
2. Фонемаларда дифференциал (фарқланадиган) ва интеграл (фарқланмайдиган) белгилар мавжуд бўлиб, улардан биринчиси (дифференциал белги) фонологик жиҳатдан *релевант белги*, иккинчиси (интеграл белги) эса фонологик жиҳатдан *норелевант белги* ҳисобланади;
3. Икки фонеманинг қарама-қарши қўйилаётган дифференциал белгилари шу фонемаларни битта оппозицияга бирлаштиради, бир фарқланиш белгисига асосланган икки ва ундан ортиқ оппозициялар эса корреляцияларга уюшади. Демак, оппозициялардаги фарқловчи белгилар корреляцияда бирлаштирувчи белгига айланади;
4. Корреляциялар ўз навбатида бир-бири билан уланиб, бир бутун тизимни-фонологик системани ҳосил қилади.
5. Тилнинг фонологик тизимида корреляция ҳодисаси борлигини аниқлаган олимлардан бири (эхтимол, биринчиси) бизнинг юртдошимиз Абу Али ибн Сино бўлган. У ўзининг фонетикага доир бир рисоласида "дол" "то"га қандай муносабатда бўлса, "зод""син"га шундай муносабатда бўлади",— деган эди.¹

25-§. Фонема оттенкалари (Фонема оттенкалари тушунчасига Л.В. Шчерба асос солган. Бу тушунча ва атама С.-Петербург фонетистлари мактаби вакиллари томонидан кўпроқ қўлланади). фонемаларнинг талаффуздаги реал кўринишларидир. Чунончи, "а" фонемаси олд қатор унлидир. Бу белги "а" фонемаси учун типик ҳисобланади, бироқ шу типик белги *қарам* сўзида орқа қатор унли оттенкасига айланади. Демак, "а" фонемаси *қарам* сўзида ("қ" билан ёндош бўлланганда) орқа қатор унли тарзида, *қарам* сўзида ("к" билан ёндош бўлганда) эса олд қатор унли тарзида талаффуз қилинади. Бу икки хил талаффуз "а" фонемасининг сўз таркибидаги реал кўринишлари - оттенкалари ҳисобланади. Оттенкалар физик-акустик ва артикуляцион жиҳатдан ўзаро фарқланса-да, бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди, чунки шу икки оттенканинг фонологик функцияси битта (уларнинг иккаласи битта "а" фонемасининг вазифасини бажаради). Демак, фонема билан унинг оттенкалари ўртасида умумийлик ва хусусийлик муносабатлари бор.

¹ Бу ҳақда қаранг: Ахвледиани В.Г. Арабское языкознание средних веков. В кн.: История лингвистических учений.- Л., 1981, стр.81-83. Журавлев В..К. Диахроническая фонология. М.: "Наука",1986,стр. 74. Абдуазизов А. Кўрсатилган асар, 10-бет.

Фонема оттенкаларидан бирининг ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди: бунга шу оттенкани шакллантирган фонетик позиция йўл қўймайди. Масалан, ҳўл сўзида фақат олд қатор "θ", ҳўл сўзида эса фақат орқа қатор "о" қўлланади. Бир фонеманинг турли позициядаги кўринишлари-оттенкалари фонема қаторини ҳосил қилади. Масалан, "у" фонемаси ҳўл сўзида олд қатор "ү" тарзида, ҳўл сўзида эса орқа қатор "у" тарзида талаффуз этилади, шунга кўра ү, у қаторини юзага келтиради.

Оттенкалар тилшуносликда мажбурий, индивидуал ва факультатив турларга ажратилади.

1.Мажбурий оттенкалар фонеманинг сўз таркибидаги ёки нутқ оқимидаги фонетик қуршов таъсирида ёки маълум фонетик позиция талаби билан ўзгарган кўринишларидир. Улар ўз навбатида комбинатор оттенкалар ва позицион оттенкаларга бўлинади:

а) *комбинатор оттенкалар* сўз таркибидаги товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида юзага келади. Масалан, жарангли "з" фонемаси *мазкур* сўзи таркибида жарангсиз "к" ундоши таъсирига учрайди ва жарангсиз "с" тарзида (*маскур* деб) талаффуз қилинади:

б) *позицион оттенкалар* ундош фонемаларнинг сўз охирида келган, унли фонемаларнинг урғули ёки урғусиз, очик ёки ёпик бўғинларда қўлланган кўринишларидир. Масалан, жарангли "б" ва "д" фонемалари сўз охирида жарангсиз "п" ва "т" тарзида талаффуз қилинади: *тартиб>тартип,омад>омат* каби. Бундаги "п" ва "т" товушлари жарангли "б" ва "д" фонемаларининг позицион оттенкалари саналади, "и" унлиси *билан* сўзида қисқа ва кучсиз (урғусиз бўғинда бўлганлиги учун), *ўрик* сўзида кучлироқ (урғули бўғинда бўлганлиги учун), *бир* сўзида тор (тўла ёпик бўғинда бўлганлиги учун), *энди* сўзида эса бир оз кенгайган ҳолатда-*энде* шаклида (сўз охиридаги очик бўғинда бўлганлиги учун) талаффуз этилади. Бу кўринишларнинг барчаси битта "и" фонемасининг турли позицион оттенкалари ҳисобланади;

в) фонема оттенкаларининг юзага келишида баъзан комбинатор ва позицион омиллар бирга қатнашади, натижада фонеманинг *комбинатор-позицион оттенкаси* (аралаш кўриниши) шаклланади. Масалан олд қатор "и" фонемаси *қилич* сўзининг биринчи бўғинида "қ"нинг таъсирига дуч келиб, "ы" га мойил талаффуз этилади(комбинатор оттенка), айна пайтда урғусиз бўғинда бўлганлиги учун бу фонема кучсизланади (позицион оттенка).

Фонемаларнинг комбинатор ва позицион оттенкалари тилшуносликда шу фонемаларнинг *аллофонлари* деб ҳам юритилади.

Ҳар бир фонема нутқ оқимида ўзининг юқоридаги оттенкаларидан бири шаклида намоён бўлади, бундай оттенкалар ичида биттаси шу фонема учун типик бўлади - кам ўзгаради ёки бутунлай ўзгармайди: фонемаларнинг кучли позициядаги кўринишлари бунга мисол бўлади. Масалан, *дарахт* сўзи бошида ёки *бодом* сўзи ўртасида қўлланган "д" фонемасининг акустик- артикуляцион белгилари шу фонеманинг алоҳида (нутқдан ташқарида) олинган белгиларидан деярли фарқ қилмайди. Фонеманинг бундай кўриниши шу фонеманинг *асосий оттенкаси* ёки фонема қаторидаги *доминанта* деб қаралади. Қолган барча

кўринишлар эса асосий бўлмаган (нотипик) оттенкалар саналади. Нотипик оттенкалар фонетик қуршовдаги товушларга кўпроқ даражада қарам бўлади;

г) мажбурий оттенкаларнинг адабий сўзлашувга ва жонли сўзлашувга хосланган *услубий оттенкалари* ҳам учрайди: *кўйлак* ("л"-адабий сўзлашувга хос) > *кўйнак* ("н"-жонли сўзлашувга хос каби.

Фонемаларнинг услубий оттенкаларидан услубий (стилистик) мақсадларда фойдаланилади.

Сўзловчи ва тингловчининг хотирасида, одатда, фонеманинг асосий оттенкаси "ўрнашиб қолган" бўлади, шу боис инсон нутқ оқимида фонеманинг ўзгарган оттенкаси қўлланганлигини сезмайди, уни асосий оттенка сифатида қабул қилади: фонеманинг лингвистик-функционал (фонологик) хусусияти шуни тақозо этади. Масалан, *туб* ва *туп* сўзлари охиридаги "б" ва "п" фонемалари бир хил талаффуз этилади; *туп* (1) ва *туп* (2) каби, аммо инсон бу икки сўзнинг маъноларини фарқлашда қийналмайди, чунки *туб* сўзининг охиридаги фонеманинг аслида "п" эмас, "б" эканлиги унинг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолган. Демак, фонемаларнинг тил ва нутқдаги танитувчи функциялари реализациясида уларнинг физик-акустик белгилари эмас, лингвистик-функционал белгилари муҳим роль ўйнайди. Буларни ўрганиш фонологиянинг вазифаси ҳисобланади.

2.Индивидуал оттенкалар айрим кишиларнинг талаффузидаги ўзига хосликлар (мас., эркак ва аёллардаги овоз тафовутлари) туфайли ёки нутқ аъзоларидаги нуқсонлар сабабли юзага келадиган товуш кўринишларидир. Бундай оттенкаларнинг лингвистик қиймати йўқ, шунга кўра улар тилшуносликда ўрганилмайди.

3.Факультатив оттенкалар фонеманинг бир хил фонетик позициядаги икки хил кўринишидир. Чунончи, *шоҳи* сўзидаги "ҳ" шу позицияда (интервокал ҳолатда) "й" кўринишида ҳам, "х" кўринишида ҳам намоён бўлади; *шоҳи- шойи, Тоҳир-Тойир* каби.

7-мавзу

Тилнинг морфем тизими

1-§. Морфемика сўзнинг маъноли қисмлари ҳақидаги таълимотдир. Сўзнинг энг кичик маъноли қисми морфема дейилади. Масалан, *боғларимизнинг* сўзи қуйидаги маъноли қисмлардан иборат: *боғ - лар - имиз - нинг*. Морфемаларнинг ҳар бири сўз доирасида ўзига хос маъно ифодоловчи бирликдир. Уларни яна бўлақларга бўлиниши мазкур маъноларнинг йўқолишига олиб келади. Демак, морфема сўзнинг энг кичик бўлинмас маъноли қисмидир. Морфемалар дастлаб иккига бўлинади: 1) ўзак морфема; 2) аффикс морфема.

Ўзак сўзда албатта иштирок этадиган нутқда якка ҳолда қўлланиши мумкин бўлган ва мустақил луғавий маъно ифодалаш хусусиятига эга бўлган морфемадир. Масалан, *ишчи, ишла, ишчан, ишсиз* сўзларидаги *иш* ўзак морфемадир.

Аффикслар (қўшимчалар) якка ҳолда луғавий маъно ифодаламай, ўзакка қўшилиб унинг лексик ёки грамматик маъносини шакллантиришда иштирок этадиган морфемадир. Масалан, *иш, одам, дарахт* каби нарса номини

билдирувчи ўзакларга –чи\\ ишчи, -гарчилик\\одамгарчилик, -зор\\дарахтзор каби аффикслар қўшилиши билан мазкур сўзларнинг луғавий маънолари; уларга *иш+нинг, одам+лар+дан, дарахт+лар+имиз* каби аффикслар қўшилиши билан эса сўзларнинг грамматик маънолари шаклланган.

2-§. Сўзни морфемаларга ажратишда сўз таркибидаги маъноли қисмларнинг ҳозирги тилда лексик ёки грамматик маънони вужудга келтириши нуқтаи назаридан ёндашилади. Хусусан, ўзак сифатида ажратиладиган қисм, бугунги тилда маънога эга бўлиши, бу маъно турли қўшимчалар асосида шаклланган ўзакдош сўзлар билан боғлана олиши лозим. Масалан: *ийг+им, ийг+иқ, ийг+ма, ийг+ин+ди* кабилар. Аффикс сифатида ажратиладиган қисм эса турли ўзакларнинг лексик ва грамматик маъноларини шакллантиришда иштирок эта олиш, яъни такрор қўлланиш хусусиятига эга бўлиши лозим. Масалан: *тер+им, ўр+им, бос+им* каби. Шу боис баъзи сўзлар таркибан ўзак ва аффикс морфемадан иборатдек кўринса ҳам, улар қисмларга ажратилганда такрорланувчи маънога эга бўлмаса, битта маъноли қисм ҳисобланади. Масалан: *қулоқчин, тирик* сўзларини *қулоқ+чин, тир+ик* каби маъноли қисмларга ажратиб бўлмайди. Шунингдек, тарихан иккита маъноли қисмдан иборат бўлиб, ҳозирги пайтда маъноли қисмлар тушунарсиз ҳолга келиб қолганда ҳам бундай сўзлар бтга морфема сифатида баҳоланади: *бугун (бу+кун), юксак (юк+са+к), қаттиқ (қат+иқ)*.

3-§. Аффикслар ва уларнинг турлари. Аффиксал морфемалар вазифасига кўра қуйидагича турларга бўлади: 1) сўз ясовчилар; 2) сўз ўзгартувчилар; 3) шакл ясовчилар.

Баъзи манбаларда аффиксал морфемаларнинг вазифасига кўра икки тури фарқланади: 1) сўз ясовчи; 2) шакл ясовчи каби. Шакл ясовчилар эса ўз навбатида а) луғавий шакл ясовчилар; б) синтактик шакл ясовчиларга ажратилади.

1. Сўз ясовчи аффикслар ўзакка қўшилиб, янги маъноли сўз ҳосил қилади. Улар кўпинча бир туркумдаги сўздан бошқа бир туркумга мансуб янги сўз ясайди: *ёз, қиш – от\\ ёзги, қишки – сифат\\ иш, қон–от\\ ишла, қонат-феъл\\супур, ўр–феъл\\ супурги, ўроқ – от*. Шунингдек, улар бир туркум доирасида сўзлар ясаши ҳам мумкин: *-чи: ишчи, хизматчи, пайвантчи//– бон: бозбон, дарвозабон* каби. Сўз ясовчи аффикслар ўзакка бирдан ортиқ қўшилиши ва янги - янги сўзлар ҳосил қилиши мумкин: *боғ + бон + лик, тер+им+чи+лик*. Бундай ясалиш, одатда, негиз асосида ясалиш ҳисобланади. Хуллас, сўз ясовчилар ўзакнинг луғавий маъносини янгиловчи марфемалар бўлиб, тилнинг лексик қатламини бойитади.

2. Шакл ясовчилар сўзнинг луғавий маъносини бир оз ўзгартиб, унга қўшимча маъно бўёғи берадиган, бироқ янги сўз ҳосил қилмайдиган морфемалардир. Масалан: *китоблар, китобча, каттароқ, каттагина, бешинчи, бешов, учала, борган, ишламоқ, кулдир, келма*.

Отлардаги сон (*китоб-китоблар*), кичрайтириш- эркалаш (*қизча, бўталоқ,қўзичоқ, онажон, болагина*) ,чегара (*уйгача*), қарашлилиқ (*укамники*) шкллари, сифат ва равишлардаги даража (*каттароқ, ширингина, қорамтир, тезгина, секинроқ*) категориясига мансуб шакллар, сонларнинг маъно

турларини ҳосил қилувчи (*бешта, учинчи, иккала, тўртов*) шакллар, гумон олмоши ҳосил қилувчи қўшимча (*кимдир, нимадир*), феъллардаги нисбат (*кийди, кийинди, кийишди, кийдирди, кийилди*), бўлишсизлик (*чизма, ўқима*), ҳаракатнинг такрорийлиги, кучсизлигини ифодаловчи (*бур-бура, теп-тепкила, оқар-оқаринқира, кул-кулимсира, юл-юлқи*) феъллардаги замон, майл, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакллари ажратиш мумкин.

3. Сўз ўзгартувчилар (синтактик шакл ясовчилар) муайян сўзнинг нутқдаги бошқа сўзга нисбатан синтактик муносабатини, алоқасини кўрсатувчи аффикслардир. Сўз ўзгартувчилар 1) келишик (турловчи) қўшимчалари; 2) эгалик қўшимчалари; 3) шахс-сон (тусловчи) қўшимчаларидан иборат. Масалан: *кузнинг ҳавоси, китобни ўқидим, даладан қайтаянман* каби бирикмалар таркибидаги сўзлар ўтрасидаги синтактик алоқа *-нинг, -ни, -дан* каби келишик, *-и* эгалик, *-м, -ман* каби шах-сон қўшимчалари воситасида юзага келган.

Аффиксларнинг тузилишига кўра тури. Аффиксал морфемалар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, *гулзор, гулла, ақлли* каби сўзлардаги *-зор, -ла, -ли* содда аффикслар бўлса, *завқлан, деҳқончилик, исрофгарчилик* каби сўзлардаги *-ла\н, -чи\лик, -гар\чи\лик* мураккаб аффикслар бўлиб, улар таркибан бир неча содда аффиксларнинг бирикишидан тузилган. Демак, мураккаб аффикслар икки ёки ундан ортиқ содда аффиксларнинг битта маъноли қисм доирасида бирикиши орқали юзага келади.

Унумли ва унумсиз аффикслар. Аффикслар сўз таркибида иштироки даражасига кўра унумли, кам унум ва унумсиз турларга бўлинади. Бундай аффиксларнинг аксарият қисми сўз ясовчиларга тааллуқлидир.

Сўз таркибида маъноли қисм сифатида фаол иштирок этадиган аффикслар унумли саналади. Масалан, от ясовчи *-чи: ишчи, овчи, аълочи*; сифат ясовчи *-ли: мазали, тотли, саводли*; фел ясовчи-ла: *аррала, ишла* кабилар, шунингдек, шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффиксларнинг асосий қисми унумли аффикслардир.

Ҳозирги тилдаги сўзларнинг ясалиши ва морфологик шалланишида кам қатнашадиган аффикслар кам унум саналади. Масалан, от ясовчи *-оқ: ўроқ, тароқ* – *каш: меҳнаткаш, аравакаш, -дош: мактабдош*; сифат ясовчи *-ма: бугма (илон), қайнатма (шўрва)* кабилар ҳамда шакл ясовчи *-иш: оқиш, -имтир: қорамтир, --ов\-ала: икков, учала, -в\-ов: ўқив, -сат: кўрсат* кабилар кам унум аффикслардир.

Тарихан мавжуд бўлиб, ҳозирги тилдаги сўзларнинг ясалиши ва шаклланишида иштирок этмайдиган аффикслар унумсиз аффикслардир. Масалан, от ясовчи-вул: *қоровул, бакавул, -гар: савдогар, заргар*; сифат ясовчи *-агон: қопাগон, билагон, -гоқ: тойгоқ, -кин: кескин, -мон: ўлармон, билармон*; феъл ясовчи *-ар: оқар, кўкар* кабилар, ҳамда *-ламчи: бирламчи, -ажак: келажак* каби шакл ясовчилар шулар жумласидандир.

4-§. Аффиксларнинг шакл ва маъно турлари. Аффикс морфемалар ҳам сўзлар сингари шакл ва маъно муносабатига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Омоним аффикслар шакли бир хил бўлиб, маъно жиҳатдан боғланмайдиган шалдош кўшимчалардир. Омоним аффикслар кўшимчаларнинг вазифасига кўра турлари доирасида қуйидаги кўринишда учрайди: 1) сўз ясовчилар доирасида: *-ки*: *тепки-от ясовчи, кечки-сифат ясовчи*; 2) шакл ясовчилар доирасида: *-иш*: *оқиш-сифатнинг даража шакли, тортиш-фeyлнинг ҳаракат номи шакли*; 3) сўз ўзгартувчилар доирасида: *-нг*: *олманг-эгаллик кўшимчаси, бординг-тусловчи кўшимча*; 4) сўз ясовчи ва шакл ясовчилар доирасида: *-ма*: *бугма- (илон) сифат ясовчи, қатлама -от ясовчи, кетма – фeyлнинг бўлишсиз шакли*; 5) сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчилар доирасида: *-им*: *қултим-от ясовчи, китобим-эгаллик кўшимчаси*. Баъзан ўзакдош сўзлар ҳам омоним аффикс қабул қилиб шаклдошликка эга бўлиши мумкин. Масалан, *қатла* фeyлига сўз ясовчи ва шакл ясовчи омоним кўшимча *–ма* кўшилиши билан *қатлама* (от) , *қатлама* (фeyлнинг бўлишсиз шакли) каби шаклдош сўзлар ҳосил бўлади.

2. Синоним аффикслар шаклан ҳар хил умумий маъноси бир хил бўлган кўшимчалардир. Масалан: *-ли\–дор*: *унумли-унумдор*. Аффикслар синонимлиги кўшимчаларнинг вазифасига кўра барча турлари доирасида учрайди: а) сўз ясовчиларда: *–сиз\–но* маънодошлиги асосида: *ўринсиз – ноўрин, –ли\–сер* маънодошлиги асосида: *ғайратли – серғайрат*; б) шакл ясовчиларда: *–иш\ – имтир* маънодошлиги асосида: *оқиш-оқимтир, –қар\–кар\–қаз\–каз* маънодошлиги асосида: *қутқар – қут+қаз, ўтказ-ўткар, –лар\ иш* маънодошлиги асосида келишди-келдилар; в) сўз ўзгартувчиларда: *–нинг\–дан* маънодошлиги асосида: *меҳмонлар+нинг\+дан каттаси*.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, синоним кўшимчалар барча сўзларда бирдек маънодошликка эга бўла олмайди. Масалан, *ноўрин-ўринсиз* сўзларида – *но* ва –*сиз* ўзаро маънодош, бироқ *таниш, маълум* каби сўзларга бу синоним кўшимчалардан фақат *–но* аффиксини кўшиб ишлатиш мумкин. Чунки *танишсиз, нотаниш* сифатлари ўзаро синоним бўла олмайди, *маълумсиз* шаклида эса сифат ясалмайди

3. Антоним аффикслар бир-бирига зид маъноли кўшимчалардир. Ўзбек тилида кўшимчаларнинг зид маънолиги бошқа ёндош ҳодисаларга нисбатан анча кам учрайди. Улар кўпроқ сифат ясалишида кўзга ташланади. Масалан: *кучли- кучсиз, мазали – бемаза, ғайратли-серғайрат*.

4. Кўп маъноли аффикслар бирдан ортиқ лексик ва грамматик маънони шакллантирувчи кўшимчалардир. Масалан, *– чи* кўшимчаси: *темирчи (асосдан англашилган касбга эга бўлган шахс оти), ҳашарчи, ижарачи, пудратчи (ўзакдан англашилган фаолият иштирокчиси бўлган шахс оти)* каби ясама сўзлардаги *– чи* кўп маънолидир. Аффиксларнинг кўп маънолиги шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчиларга ҳам хос ҳодисадир. Хусусан, *–лар* аффиксининг *болалар* – соф кўплик маъносида, *унлар-* тур, нав маъносида, *дадамлар* – ҳурмат маъносида ишлатилиши, уларнинг нуткий кўп маънолигидан далолат беради.

Ўзак ва аффиксларнинг кўшилиш тартиби. Аффиксларнинг ўзакка кўшилиш тартиби ҳам ўзига хосликка эга. Хусусан, сўз таркибида маъноли қисмлар жойлашишининг одатдаги тартиби асосан, ўзак ёки негиз+ сўз ясовчи+шакл ясовчи+сўз ўзгартувчи шаклида бўлади. Масалан:

қишлоқ+дош+лар+имиз, қўриқла+ди+к. Ўзакка ясовчи қўшимча қўшилиши билан **негиз** ҳосил бўлади. Масалан: *тер+им*, *қури+қ*, *тинч+и* (моқ) кабилар негиздир. Агар сўз таркибида бирдан ортиқ ясовчи қўшимча иштирок этса, у ҳолда негизнинг чегараси охириги ясовчи қўшимча билан белгиланади. Масалан: *бил+им+дон+лик* ясалмасида *билимдонлик* негиздир. Демак, одатдаги тартибга кўра шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчалар сўзнинг ўзак қисмига (бил+ди+м) ёки негизига (*бил+им+лар+дан* // *бил+им+дон* +*лиг+и+ни*) қўшилиши мумкин.

Баъзан, аффикс морфемаларнинг одатдаги тартибида ўзгаришлар юз бериши ҳам мумкин. Бундай ўзгаришлар кўпинча услубий талаблар ёки шева таъсирида юзага келади: *ака+м+лар* - *ака+лар+и+им*, *кўр+ди+нг+лар* - *кўр+ди+лар+инг*. Айрим ҳолларда ясовчи қўшимча шакл ясовчи ва сўз ўзгартувчидан кейин қўшилиб янги маъноли сўз ҳосил қилиши мумкин: *ука+лар+им+ча* (бўлолмайсан), *торт+ин+чоқ*, *куй+ин+чак* (киши) каби. Бундай ҳолат аффикс шаклидаги юкламалар ва қўшимчаларнинг ўзакка қўшилишида ҳам кузатилади. Масалан, *бола+м+гина* сўзида *-гина* урғусиз бўлиб, ажратиш маъносини англатади, мазкур юклама билан шаклдош бўлган отлардаги эркалаш қўшимчаси *-гина* эса ўзакка одатдаги тартибда қўшилади: *бола+гина+м*. Қўшимча шаклидаги юкламалар, одатда, барча турдаги аффикс морфемалардан кейин қўшилади: *китоб+ми*, *китоб+дан-чи*, *китоб+лар+да+гина*, *боғ+ча+лар+дан-а* каби. Бироқ, *-ми* юкламаси феълларга қўшилганда одатдаги тартиб ўзгариши мумкин: *кўр+ган+ди+нг+ми*// *кўр+ган+ми+ди+нг*.

8-мавзу

Тилнинг лексик тизими

1-§. Сўзнинг лексик бирлик сифатидаги моҳияти Сўз тилнинг энг муҳим номинатив бирлигидир, чунки у борлиқдаги нарса-буюмларни, предмет сифатида тасаввур қилинадиган мавҳум тушунчаларни, ҳаракат-ҳолатни, ранг-тус, маза-таъм, ҳажм-миқдор, хислат каби белги-хусусиятларни номлайди: *дарахт* (предмет номи), *онг* (мавҳум тушунча номи), *ишламоқ* (ҳаракат номи), *оқ* (ранг-тус номи), *ширин* (маза-таъм номи), *катта* (ҳажм номи), *беш* (миқдор номи) каби. Тилнинг луғат бойлигидаги бундай сўзлар лексик бирликлар саналади.

Тилда номлаш хусусиятига эга бўлмаган, бинобарин, лексик бирлик саналмайдиган сўзлар ҳам бор, улар фақат грамматик ёки модал маъноларни ифодалайди, шунга кўра грамматик сўзлар ёки морфема-сўзлар ҳисобланади: ёрдамчи сўзлар, модал сўзлар, тақлидий сўзлар, ундовлар, олмошлар шулар жумласидандир. Булар тилшуносликда ифодаловчи сўзлар (ундовлар, модал сўзлар, юкламалар), кўрсатувчи сўзлар (боғловчилар, кўмакчилар), олмошловчи сўзлар (олмошлар) ва атовчи сўзлар (атоғли отларнинг маълум турлари) каби гуруҳларга ажратилади. (12,50-51).

Лексик мазмунли сўзлар лексикологияда, грамматик мазмунли сўзлар эса грамматикада (сўз туркумлари билан боғлаб) ўрганилади.

Тилшуносликда лексик мазмунли сўзларнинг структураси ҳар хил таърифланмоқда: айрим манбаларда лексик мазмунли сўзларнинг ифода плани

(товушлардан таркиб топган моддий томони) *лексема* деб, мазмун плани (ифодаланувчиси) эса *семема* деб таърифланади. Демак, лексема ва семема лексик бирликнинг (сўзнинг) ўзаро алоқада бўлган икки томони эканлиги айтилади.¹ Бошқа манбаларда эса лексема сўзнинг ифода планигина эмас, балки унинг ифода ва мазмун планлари бирлигидан иборат яхлит бутунлик эканлиги таъкидланади. Бу бутунлик номинатив функциядаги сўз ёки сўз бирикмаси шаклида бўлади. У ономасиолологияда тилнинг луғат таркибидаги бир компонент (*вокабула*) сифатида, семасиологияда эса маълум маънолар таркибидан иборат бирлик (*семантема*) сифатида ўрганилади.¹

Ўзбек тилшунослигида лексеманинг ифода ва мазмун планлари бирлигидан иборат бир бутун лексик бирлик сифатида қаралиши кенг тарқалган, бунда унинг ифода плани (товуш томони) *номема* термини билан, мазмун плани эса семема атамаси билан номланмоқда.

Лексемаларнинг лексик бирлик сифатидаги тавсифида қуйидаги белгилар хусусиятларнинг алоҳида ўрни бор:

1. Ҳар қандай лексема икки томоннинг - ифода ва мазмун планларининг (номема ва семеманинг) бирлигидан таркиб топади:

а) лексеманинг ифода плани унинг фонетик қобиғидир (фонемалар, бўғинлар ва сўз урғусидан иборат моддий-материал шакли). Масалан, *қулоқ* лексемасининг ифода планида 5 та фонема (қ, у, л, о, қ), 2 та бўғин (қу-лоқ) ва 1 та сўз урғуси (қулоқ) бор.

Ҳар бир тилда лексеманинг ифода плани бўғин типлари, унинг фонетик таркиби билан боғланган бўлади. Масалан, ўзбек тилининг ўз қатламидаги умумтуркий лексемаларнинг кўпчилиги бир ва икки бўғинли туб сўзлардир. Бир бўғинли туб лексемаларнинг фонетик таркиби ундош+унли+ундош (*бош*, *қўз*), унли+ундош (*ош*, *ўн*) схемаларида бўлади; бўғин ва сўз бошида икки ундош қаторлашиб келмайди, аммо сўз охирида икки ундошнинг кетма-кет келиши учраб туради: *тўрт*, *қирқ* каби. Икки бўғинли туб лексемаларнинг биринчи бўғини унли (**о**-на), унли+ундош (**ол**-ти), ундош+унли+ундош (**кат**-та), ундош+унли (**бо**-ла), иккинчи бўғини эса ундош+унли (**о**-та), ундош+унли+ундош (**ол**-тин) схемаларида бўлади.

Ясама сўзларда ўзак морфема ва сўз ясовчи морфемалар лексеманинг ифода плани бўлади: *иш-чи* > *ишчи*, *бош-ла(моқ)* > *бошла(моқ)* каби. Фонемалар эса ўзак ва аффиксларнинг ифода плани вазифасида қўлланади: *ишчи-и, иш/ч, и;* *бошламоқ-б, о, иш/л, а/м, о, қ* каби.

Лексик мазмунли жуфт ва такрорий сўзлар ҳам яхлитланган бир лексема ҳисобланади: катта-кичик (битта лексема), бола-чақа (битта лексема) жангир-жунгир (битта лексема) каби (12,55-б.).

Лексеманинг ифода планидаги турли шакллар унинг **ташқи формаси** саналади;

¹ Толстой Н.И. Из опытов типологического исследования славянского словарного состава. – «Вопросы языкознания», 1963, №1.

Новиков Л.А. Семантика русского языка – М.: «Высшая школа», 1982, с.114.

¹ Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М.: «Просвещение», 1979, с.184-186.

б) лексеманинг мазмун плани дейилганда унинг маъноси (ёки маънолари) ва услубий бўёғлари (маъно кирралари) назарда тутилади. Масалан, *қулоқ* лексемасининг мазмун планида қуйидаги лексик маънолар бор: «эшитиш аъзоси» (*одамнинг қулоқи*), «датор, танбур торларини созлаш учун ўрнатилган мурувватлар» (*даторнинг қулоғи*), «қозоннинг ён томонларидан чиқарилган тутқич-дасталар» (*қозоннинг қулоғи*) каби. *Чехра* лексемасининг мазмун планида эса лексик маъно қўшимча оттенка – услубий бўёқ билан қопланган. Бу бўёқ киши кайфияти, рухий ҳолати ёки хулқ-атворининг юздаги аксини ифодалайди: *чехра деган кўнгилнинг ойнасидир*. (Ҳамза).

Лексеманинг мазмун планидаги лексик маъно (ёки маънолар) ва услубий семалар унинг **ички формаси** саналади.

Лексеманинг ифода ва мазмун планлари диалектиканинг шакл ва мазмун категориялари муносабатига асосланади: шакл мазмуннинг бўлишини тақозо қилади, мазмун эса шаклсиз юзага келмайди, ифодаланмайди ҳам. Қиёс қилинг: *шаҳар*, *ҳашар* лексемаларининг иккаласида бир хил фонемалар қатнашган, аммо бу фонемаларнинг жойлашиш тартиби, демак, лексеманинг шакли ҳар хил. Бу ҳол шу икки лексема маъноларининг тилда фарқланишини таъминлайди. Улардаги фонемалар тартибини ўзгартириш эса шаклнинг йўқолишига олиб келади: *шаҳар* (сўз, лексема) – *ашҳар* (сўз эмас), *ҳашар* (сўз, лексема) – *рашаҳ* (сўз эмас). Демак, товушларнинг ҳар қандай йиғиндиси сўз (лексема) бўлавермайди: бундай йиғинди тил бирлигининг (лексик бирликнинг) шакли даражасига кўтарилиши учун у албатта мазмун билан боғланган бўлиши керак.

2. Лексемаларга хос муҳим белгилардан яна бири шуки, уларнинг ҳар бири у ёки бу лексик-грамматик гуруҳларга мансуб бўлади: предмет номлари от туркумига, белги-хусусият номлари сифат туркумига, миқдор англатувчи сўзлар сон туркумига, ҳаракат-ҳолат мазмунли сўзлар эса феъл туркумига киради. Бундай мансублик лексемаларнинг нутқдаги грамматик шакллари белгилайди: отлар эгалик, келишик, кўплик ёки бирлик шаклларида, сифатлар оддий, орттирма ёки қиёсий даража шаклларида, феъллар шахс-сон, замон, майл, бўлишли ёки бўлишсиз, нисбат шаклларида қўлланади. Бу ҳол тилнинг лексик ва грамматик сатҳлари ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқади.

3. Лексемалар албатта яхлитланган, бир бутун бирлик бўлади, шу хусусияти билан грамматик шакллардан, сўзлар бирикмаси ва гапдан фарқ қилади. Чунончи, *мактаб* лексемаси лексик бирлик сифатида ўзгармасдир, аммо унинг грамматик шакллари нутқда ўзгариб туради: *мактабнинг*, *мактабни*, *мактабга*, *мактабда*, *мактабдан* каби. Шунингдек, «бешта олма» бирикмасини «бешта қизил олма» деб қўллаш (бирикма таркибига «қизил» сўзини қўшиш) мумкин, аммо *мактаб* лексемаси таркибига бошқа бўғин ёки сўз киритилмайди.

4. Лексемада битта бош (асосий) урғу бўлади, у шу лексеманинг яхлитлигини, бир бутун бирлик бўлишини таъминловчи муҳим суперсегмент бирликдир: *қовоқ*, *ошқовоқ*, *темир*, *темирбетон* (сўнгги сўзнинг иккинчи бўғинида иккинчи даражали урғу, охирги бўғинда эса бош урғу қўлланган) каби.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкин: ҳар қандай лексема шакл ва маъно бутунлигига эга. Лексеманинг шакли унинг ташқи формаси, мазмун плани эса шу лексеманинг ички формаси бўлади. Шакл маънони борлиқ тусига киритади, шу орқали маънонинг тилда ва инсон онгида яшабини таъминлайди.

9-мавзу

Лексеманинг семантик таркиби

Лексеманинг семантик таркиби лексик маъно, қўшимча оттенкалар (маъно қирралари, услубий семалар) ва туркумлик семаларини ўз ичига олади.

Лексик маъно лексеманинг ниманидир номлаши (аташи), англатиши ва ифодалашидир. У қуйидаги уч ҳодиса ўртасидаги боғланишдан таркиб топади: а) фонетик сўз (лексеманинг фонетик қобиғи, шакли); б) фонетик сўз томонидан номланган предмет, ҳодиса, тушунча (денотат, референт); в) фонетик сўз томонидан ифодаланган маъно (сигнификат, у инсон онгида денотат ҳақида шаклланган маънодир). Демак, фонетик сўз предметни, денотатни атайди (денотатив маъно), фонетик сўз инсон онгидаги сигнификатни ифодалайди (сигнификатив маъно). Ана шу учта бирлик ўртасидаги боғланишдан юзага келган семантик бирлик лексик маъно саналади.

Семантик валентлик. Лексик маънонинг яна бир муҳим белгиси шуки, у лексеманинг тил системасидаги бошқа сўзлар билан турли даражада алоқага кириша олиш имкониятини (валентлигини) ҳам белгилайди. Масалан, **нон** ва **емоқ** лексемаларининг маънолари шу икки сўзнинг нутқда бирикишини тақозо қилади ("*нон емоқ*" каби), аммо **нон** ва **ичмоқ** лексемалари ўзаро бирика олмайди, чунки бу иккала лексеманинг маънолари, семик таркиби бунга йўл қўймайди.

Лексик маъно лексеманинг ифода плани (фонетик сўз) билан тарихан боғлангандир, аммо бундан маъно ва товушлар ўртасида табиий боғланиш бор деган хулоса чиқмаслиги керак, чунки товуш – маъносиз бирлик, физик-акустик ҳодиса; маъно эса мавҳум умумлашмадир. Товушлар билан маъно ўртасида табиий боғланиш бўлганда эди, бир маъно тилда битта сўз билан ифодаланарди, аслида эса тилда бир маънонинг бир неча сўз билан номланиш ҳоллари ҳам учрайди: *кулги* ва *ханда*, *ёлгончи* ва *алдамчи*, *челак* ва *сатил* каби синонимларнинг борлиги бунинг исботидир. Демак, лексик маъно фонетик бирликлардан таркиб топган фонетик сўзга (ёки бир неча фонетик сўзга) шу тил эгаси бўлган жамоа томонидан бириктирилган бўлади. Буни қуйидагича тавсифлаш мумкин: борлиқдаги нарса-ҳодисалар сезги аъзоларимиз орқали онгимизга таъсир қилади, натижада инсон онгида шу нарса-ҳодисаларнинг инъикоси (образи) қолади, унга ном тарзида бириктирилган сўзнинг шакли ҳам онгимизда ўз аксини топади. Шундай қилиб бу икки ҳодиса-предмет инъикоси ва сўз шакли образи ўртасида доимий, мустаҳкам алоқа боғланиб, бир бутун бирлик юзага келади: ҳар сафар нарса-ҳодисани кўрганда ёки сезганда, онгимизда шу нарсанинг инъикоси билан бирга, унинг номи бўлган сўзнинг қиёфаси ҳам гавдаланади ёки, аксинча, сўзни эшитганда шу сўз қиёфаси билан бирга у атаган нарса-ҳодисанинг инъикоси, образи тикланади. Ана шу икки

ходиса ўртасидаги доимий алоқа, боғланиш лексик маъно бўлади.¹ Сўз ва унинг маъноси биргаликда инсон онгида тушунчани шакллантиради. Демак, сўзни тушунчанинг тилдаги белгиси (знак понятия) дейиш мумкин.² Бироқ сўзнинг маъноси билан тушунча битта нарса эмас. Маъно тушунчанинг шаклланишида иштирок этади, унга пойдевор бўлиб хизмат қилади, аммо сўзнинг таркибий қисми бўлганлигидан тил бирлиги саналади, тушунча эса, гарчи сўз ва унинг маъноси билан алоҳада бўлса-да, инсон тафаккурининг маҳсули сифатида логик категория ҳисобланади. Масалан, шох-шаббали, кўп йиллик ўсимлик ҳақидаги тушунча барча миллат вакиллари онгида бир хил бўлса-да, унинг шаклланишида пойдевор вазифасини бажарган сўзлар (номлар) ҳар хилдир: ўзбек тилида *дарахт*, рус тилида *дерево*, немис тилида *дер баум*. Шунинг учун *дарахт* сўзининг маъносини немис ва рус билмайди, ўзбек эса *дер Баум* ва *дерево* сўзларининг маъноларини англай олмайди (агар шу тиллардан хабари бўлмаса), бундай ҳолат улардан бирининг (тушунчанинг) логик категория эканлигидан, иккинчисининг (сўз ва маънонинг) эса лингвистик категория эканлигидан келиб чиқади, сўз ва унинг маънолари қайси тилга мансуб бўлса, ўша тил системаси ичида қаралади, шунинг учун бир тушунча номи турли тилларда турлича бўлиши билан бирга, уларнинг маъноларида анчагина тафовутлар ҳам учрайди: *бош* (ўзб.) ва *голова* (рус.) сўзларининг асосий (тўғри) маънолари ўзаро тенгдир, аммо ўзбек тилидаги *бош* сўзининг кўчма маънолари – «кўчанинг боши», «ўчоқ боши», «дарё боши», «боши берк кўча» бирикмаларида реаллашган семалари русча *голова* сўзининг семантик таркибида йўқ.

Туркумлик семалари – лексеманинг мазмун планидаги учинчи компонент. Бундай семалар лексик маънога таянган ҳолда лексемаларнинг грамматик маъноларини белгилайди, шу асосда лексемаларнинг лексик-грамматик гуруҳланиши – сўз туркумларига уюшиши таъминланади. Қиёс қилинг: *дафтар* – «предметнинг бир тури» (лексик маъно), *китоб* – «предметнинг бошқа бир тури» (лексик маъно), *ёзмоқ* - «ҳаракатнинг бир тури» (лексик маъно), *юрмоқ* - «қаракатнинг бошқа бир тури» (лексик маъно). Бу маънолар юқорида келтирилган ҳар бир лексеманинг ўзиникидир: *китоб* лексемаси «дафтар»ни, *дафтар* лексемаси «китоб»ни англатмайди; шунингдек, *ёзмоқ* лексемаси «юрмоқ»ни, *юрмоқ* лексемаси эса «ёзмоқ»ни ифодаламайди. Бироқ *дафтар* ва *китоб* лексемаларининг иккаласида «предметлик» семаси, *ёзмоқ* ва *юрмоқ* лексемаларининг иккаласида эса «ҳаракат» семаси ҳам борки, улар *дафтар* ва *китоб* лексемаларини от туркумига, *ёзмоқ* ва *юрмоқ* лексемаларини эса феъл туркумига бирлаштиради. Ҳар бир сўз туркумининг ички категорияларига хос маънолар – отларда эғалик, келишик, бирлик, кўплик; феъллардаги шахс-сон, замон, майл; сифатлардаги даража ҳам туркумлик семаларига асосланади. Демак, лексик маънода хусусийлик, индивидуаллик, грамматик маънода эса умумийлик устун туради. Бундай тафовутланиш лексеманинг мазмун мундарижасидаги лексик маъно семалари билан туркумлик семалари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади.

¹ қаранг. Головин Б.Н. Введение в языкознание. – М.: "Высшая школа", 1977, с.71.

² Головин Б.Н.Кўрсатилган асар, 73-б.

10-мавзу

Лексик маънонинг семантик таркиби

Лексик маънонинг семалари. Лексик маъно лексеманинг мазмун планидаги яхлит бир семантик бутунлик бўлса-да, кейинги вақтларда бу бутунлик таркибида маълум маъно қисмлари – *семалар* борлиги аниқланмоқда. Масалан, *дарахт* лексемасининг лексик маъносида қуйидаги семалар борлигини кўрамиз: 1) «предмет», 2) «ўсимлик», 3) «кўп йиллик ўсимлик», 4) «ерда ўсувчи», 5) «ёғочлашган танали», 6) «илдизли», 7) «шоҳ-шаббали», 8) «баргли». Бу семалар бирлашиб, *дарахт* лексемасининг лексик маъносини шакллантиради. Лексик маънонинг семасиологияда *семема* дейилиши ҳам шундан. Семалар маъно хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Аташ семалари (денотатив семалар).

2. Ифода, тасвир, қўшимча маъно семалари (коннотатив семалар)

3. Вазифа семалари (функционал семалар).

Аташ семалари (денотатив семалар) от, сифат, сон, феъл туркумидаги барча лексемаларнинг лексик маъноларида бор. Шунинг учун улар *идеографик семалар* деб ҳам аталади.

Ифода семалари семема таркибидаги услубий маъно қирраларидир. Улар лексемаларнинг аташдан, номлашдан ташқари, шахсий муносабатларни ифодалашига ёхуд шу лексемаларнинг қўлланиши доирасини белгилашга хизмат қилади. Масалан, *буюм* ва *матоқ* лексемалари «тирикчилик-рўзғорда қўлланадиган мол» маъносига эга, аммо *матоқ* сўзида бу лексик маъно салбий бўёқ билан қопланган: «Жон ота, *матоқларини* олиб бориб беринг, агар мени қизим десангиз, олиб бориб беринг...» (Х. Сеитов.).

Баъзан семантик таркибида қўшимча маъно қирраси бўлмаган лексемалар ўзи қўлланган контекст ёки нутқий муҳит талаби билан услубий семали лексемага айланади. Бу ҳодиса лексеманинг ўзига хос бўлмаган контекстда қўлланиши туфайли содир бўлади. Масалан, *бурун* ва *тумшуқ* сўзларидан ҳар бирининг ўз контексти бор: *бурун* лексемаси асосан одамга нисбатан, *тумшуқ* лексемаси эса ҳайвон ва паррандаларга нисбатан қўлланади. Қиёс қилинг: 1) *Шарофатнинг юпқа лаблари кўкариб пирпиради, бурни оқариб, катаклари керилди.* (А. Қахҳор); 2) *Лайлакнинг бўйи новча, тумшуғи бор тарновча. Лапанглайди учганда, Уясидан кўчганда.* (Уйғун). Келтирилган мисолларнинг иккаласида *бурун* ва *тумшуқ* сўзлари ўз контекстида қўлланган, шу боис уларда қўшимча маъно қирралари, услубий баҳо оттенкалари ифодаланмаган. *У бир кўнгли бориб муттаҳам ҳозининг тумшуғига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди.* (М. Исмоилий.) Бу гапда *тумшуқ* сўзи ўзига хос бўлмаган контекстда – одамга нисбатан қўлланган, натижада унда одамга (қозига) нисбатан ҳурматсизлик, нафрат муносабатлари ифодаланган.

Вазифа семалари ҳам семема таркибига киради, аммо улар аташ, ифодалаш билан бирга лексемаларнинг нутқда ўзаро бирика олишини (валентлигини, дистрибуцияни), шу орқали гапда маълум вазифа бажаришини белгилайди. Масалан, *чой* лексемасининг лексик маъноси (семемаси) таркибида «қайта ишланган» «суюқлик», «ичимлик», «қурук», «қуритилган», «чой ўсимлиги» семалари бор. Бу семалар чой лексемасининг *ўстирмақ, ичмоқ,*

қайнатмоқ ва дамламоқ феъллари билан бирика олишини таъминлайди: чой ўстирмоқ, чой дамламоқ чой ичмоқ, чой қайтанмоқ каби. Бироқ, чой лексемаси нутқда емоқ феъли билан бирика олмайди, бунга чой ва емоқ сўзларининг лексик маъноларидаги семалар таркиби йўл қўймайди.

Бир мазмуний гуруҳга мансуб лексемаларнинг маъновий узвийлиги семантик майдон дейилади. Семантик майдон иштирокчилари бўлган лексемаларнинг семемалари қиёсланганда, уларнинг таркибларида **интеграл** (бирлаштирувчи) ва **дифференциал** (фарқловчи) семалар борлиги ҳам маълум бўлади. Бундай семалар лексемаларни ўзаро бирлаштириш ва фарқлаш учун хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилидаги *амаки, амма, тоға, хола, жиян* лексемаларининг барчасида «қариндош», «яқин қариндош» семалари бор, шу семалар уларни битта мазмуний гуруҳга бирлаштиради, шунга кўра **интеграл** (бирлаштирувчи) *семалар* саналади; айти пайтда келтирилган лексемаларнинг маъно таркибида фарқланиш белгилари – **дифференциал семалар** ҳам мавжуд: *амаки* семемасидаги «отанинг акаси ёки укаси» семаси *тоға* семемасида йўқ, *тоқа* семемасидаги «онанинг акаси ёки укаси» семаси эса *амаки* семемасида учрамайди, демак, бу икки сема юқоридаги икки сўзнинг маъноларини фарқлаш имконини беради; *амаки* ва *амма, тоға* ва *хола* семемалари ҳам «қариндош», «яқин қариндош» семалари билан бирлашади, аммо «эркак» ва «аёл» семалари билан ўзаро фарқланади; *жиян* лексемасида эса «ёши кичик», «аканинг ёки уканинг фарзанди» семалари фарқлаш вазифасини бажаради.

Лексик маънони (семемани) таркибий қисмларга – семаларга парчалаб ўрганиш семасиологияда компонент таҳлил усули дейилади. Бу усул лексемаларнинг парадигмаларини, мазмуний, тематик ва ҳоказо гуруҳларини аниқлашда қўл келади.

Лексеманинг узул ва окказионал маънолари

Узул маъно лексеманинг мазмун мундарижасида бор бўлган лексик маънодир. У тил эгаси бўлган халқ томонидан тан олинган, демак, кўпчиликка тушунарли бўлган маъно ҳисобланади.

Окказионал маъно лексеманинг тилдаги маъносига хос бўлмаган, айрим шахснинг (муаллифнинг) нутқий вазиятдан келиб чиқиб, шу лексема мазмунига янгича «тус» бериши натижасида юзага келтирилган сунъий маънодир. У индивидуал характерда бўлади ва фақат контекстда англашилади. Узул ва окказионал маънолар ўртасидаги фарқ қуйидагиларда намоён бўлади:

а) узул маъно тил бирлиги (лексик маъно), окказионал маъно эса нутқ бирлиги (лексик қўллаш) саналади;

б) узул маъно (ёки маънолар) контекстгача шаклланган бўлади, окказионал маъно эса контекстнинг ўзида юзага келади, шу контекст доирасидагина лексемага бириктирилади;

в) узул маъно лексеманинг бирор предмет ёки ҳодисани номлаши билан боғлангандир (унда образлилик ифодаси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин), окказионал маъно эса номламайди, унда образлилик ифодаланади, холос;

г) узул маъно тилнинг луғат бойлигидан ўрин олади, окказионал маъно эса вақт ўтиши билан луғат бойлигига кириб қолиши мумкин бўлган (ҳозиргача

кирмаган) потенциал имкониятдир. Бундай имконият амалга ошиши ҳам, ошмай қолиши ҳам мумкин.

Термин

Терминлар фан, техника, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга оид ихтисослашган, қўлланиши муайян соҳа билан чегараланган тушунчаларни ифодалайдиган номинатив бирликлардир. Терминларнинг ифода плани сўзга (*хужайра, тўқима*) ёки турғун бирикмага (*ўқ илдиз, попук илдиз*) тенг бўлади. ҳар икки кўринишда ҳам термин лексема деб ҳисобланади, бунда унинг номинатив бирлик эканлиги эътиборга олинади.¹

Терминларнинг мазмун планида муайян соҳа тушунчалари ифодаланган бўлади: Масалан, **бошок** терминининг мазмун планида «поя учида ўсадиган тўпгул ёки тўпмеванинг бир хили» тушунчаси ифодаланган.

Шаклан сўзга тенг термин аслида лексеманинг ўзидир, чунки у кўпинча тил системасида мавжуд бўлган ёки шу тилнинг сўз ясалиш моделлари асосида шаклланган лексеманинг терминлашиши натижасида юзага келади, натижада терминнинг ифода плани ҳам, мазмун плани ҳам лексема базасига таянади. Қиёс қилинг: **тиш** (лексема: «одамнинг тиши», «ҳайвонлар тиши»)-**тиш** (термин: «одамнинг тиши», «ҳайвонлар тиши»). Бунда лексеманинг мазмун плани (лексик маъноси) терминнинг мазмун планига (тушунчага) тенгдир. Демак, терминларда кўпинча лексик маъно билан тушунча ўзаро тенг бўлади. Баъзи соҳаларда лексема ўзининг кўчма маъносида терминлашиб қолиши ҳам мумкин, аммо бу ҳодиса жуда кам учрайди. Қиёс қилинг: **гул**-ботаникада: «ўсимликнинг урчиш (кўпайиш) органи»; **гул**-амалий санъатда: «Бирор нарсага чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш». Бу мисолларда **гул** лексемаси ўзининг бош маъносида ботаникада, кўчма маъносида эса амалий санъатда терминлашган. Аммо бир соҳанинг ўзида лексеманинг иккита тушунча номи сифатида терминлашиши (кўп маъноли термин бўлиши) терминологиянинг изчиллигига хилоф бўлади. Масалан, **уруғ** лексемаси узоқ йиллар ботаникада икки тушунчанинг номи бўлиб келди: 1) «ўсимликнинг уруғи» (русча: *семя*); 2) «турдан катта, оиладан кичик таксономик категория» (русча: *род*). Бундай полисемия кейинги йилларда таксономик категория маъносидаги **уруғ** терминининг **туркум** термини билан алмаштирилишига сабаб бўлган. Баъзан термин ўта оммалашиб, умумтил бирлигига айланиб қолади. Хусусан, **радио, телевизор, телефон** сўзлари ҳам маълум соҳа терминлари сифатида юзага келган, аммо ҳозирги пайтда бу терминлар оммалашиб, барчанинг нутқида қўлланадиган, барчага тушунарли бўлган сўзларга айланган. Бу ҳодиса тилшуносликда **детерминлашиш** дейилади.

¹ Бу мақда қаранг: Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М.: «Высшая школа», 1979, с.184.